



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan e-mail: uzas@h2c.uz 2012-yil 17-avgust • №33 (4172)

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ВАТАН МАДҲИ

истиқлол даври шеърятда

Мазмун-моҳияти билан қалбларга завқ улашган, гурур бағишлаган, хотирада ўчмас из қолдирган воқеа-ҳодисалар шарафланади, мадҳ этилади. Кундан-кун чирой очиб бораётган Ватанимиз жамолидан ҳар биримиз ифтихор ҳиссини туямиз. Табиийки, бу туйғу шоирга илҳом бағишлайди, уни ижодий парвозга шайлайди. Тўғри, шўролар даврида ҳам ватан, Ўзбекистон ҳақида жуда кўп шеър, дoston ёзилган.

Юртимизнинг табиати таърифланган мисралар ўқувчига бугун ҳам хуш ёқади. Чунки уларда ҳақиқат бор эди. Бироқ ижтимоий ҳаёт ҳақидаги мисралар кишига ботмасди. Сабаби, улар ҳақиқатдан холи эди ва шу боис ватан ҳақидаги тасаввурни хиралаштирарди. Негаки чинлиги даргумон нарса-ҳодисалар қанчалик шарафланмасин, барибир, ўқувчини завқлантирмайди, гурурлантирмайди, аксинча, кўнглини чўкти-

ради. Шунингдек, нарса-ҳодисаларни фақат зоҳиран тавсифлаш ҳам самара бермайди, қачонки унинг замирида реал мазмун-моҳият бўлмаса. Истиқлол даври шеърятини ана шу жиҳати, яъни ҳаётини, ҳаққоний моҳиятини билан шўро даврида Ватан мадҳига бағишланган шеърлардан фарқ қилади. Хўш, бу хусусият нималарда кўринади? Биринчи навбатда, мустақиллик моҳиятини аңлашда, яъни истиқлол халққа нима бер-

гани, нималарга муяссар этгани ҳақида яхлит тасаввур уйғотганида кўринади. Иккинчидан, "Ватан нима?" деган саволга тўла-тўқис жавоб берганида ва учинчидан, ватанпарварлик, Ватанидан гурурланиш ҳиссини юзага чиқарганида намоён бўлади.

Бугунги кунда Ватан қиёфасини истиқлолсиз тасаввур қилиш қийин. Зеро, Ватан мадҳ этилган шеърда бу қадрият ўз ифодасини топмоғи даркор. Бунга сўзамоллик орқали эмас, балки мантиқ кучи билан эришиш мақсадга мувофиқдир. Ана шу хусусиятни устоз шоирларнинг шеърларида кузатиш мумкин. Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг "Ватан умиди" шеърини "истиқлол", "мустақиллик" сўзлари учрамайди. Бироқ кучли мантиқ, моҳият ана шу улғу тушунчаларни аңлатиб туради ва кўз ўнгимизда бугунги Ватан қиёфаси гавдаланади. Шоир бунга ўзининг кечаги кунда ким бўлганини ва қандай шароитда яшаганини ихчам баён этиш орқали эришади:

Давоми учинчи саҳифада.



Бирга, бирга қўйлаймиз диёримизни. Абдугани Жума олган сурат.

XXI аср ўзбек адабиёти

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Аллоҳга беадаб шукрлар бўлсинки, мамлакатимиз мустақиллигининг йиллари бир йиллиги байрамими ва муборак Рамазон ҳайитини алу юртимизда тинчлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик, қаттага ҳурмат, кичикка иззат, ҳиммат ва саховат каби аъёнларимиз тобора мустақкам қарор топаётган бир шароитда, кўтаринки руҳ билан кўтиб олаётганда. Президентимизнинг "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори эълон қилиниши юртимизда ёши улғу кексаларга ҳурмат-эҳтиром ҳамда азалий аъёнларимиз бўлиши мусулмончилигимизга алоҳида эътибор қаратаётганининг ёрқин далилидир.

ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎДСИН

Унда ҳайит байрамими жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтказиш учун тегишли тadbирларни амалга оширишга қатор мутасадди ташкилотлар жалб қилинган. Буларнинг барчаси халқимизнинг хурсандчилигига хурсандчилик кўшади.

Аллоҳнинг инояти ва истиқлол шарофати ила мана шундай улғу айём билан муборакбод этиш шарафига муяссар бўлиб турибмиз. Маълумки, барча мусулмонлар бир-бирларини байрам билан кўтлаб, бирор сабабга кўра араزلанган, гина-қудуратли таниш-билишлар ҳам ҳайит кунларида ўзаро уэр сўрашиб, бир-бирларига қучоқ очадилар.

Мўмин мусулмонлар фақатгина шу кунларда эмас, балки йил давомида бир-бирларига яхши муомалаю муносабатда бўлмоқлари лозим. Аллоҳ берган неъматлардан хайр-эхсон этиш, меҳр-муруватга муҳтож кишиларга саховатли бўлиш чин инсоний фазилатдир.

Давоми иккинчи саҳифада.

БОБУР ЙЎЛИ

Яқинда шоир-ёзувчилар, ноширлар, оммавий ахборот воситалари ходимларидан иборат бир гуруҳ ижодкорлар иштирокида Тошкент вилоятининг Ангрэн тоғи этакларидаги Облик қишлоғида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шiori остида учрашув бўлиб ўтди. Бу учрашувга қишлоқнинг етти яшаридан етмиш яшаригача қизиқиб келди. Сўлим, баҳаво жой, ҳаммаёқ супуриб-сидирилган, одамларнинг қиёфаларида байрамона кайфият, ҳаммалари тоза, озода кийиниб олишган.

Фафур Гулом номидаги фуқаролар йиғини жойлашган кўркам шийпонга киреверишдаги мажнунтол соясига бир хил оқ қуйлак, адрас нимча кийган қизчалар қўлларини кўксиларига қўйганларича меҳмонларни, ассалому алайкум, деб кўтиб олишди. Бу ўзбекона одоб, иззат-икром ҳар қандай кишини ҳам тўлқинлантириб юбориши шубҳасиз. Қизалоқнинг сочлари ўзлари соясига турган мажнунтол новдаларидек жамалак қилиб ўрилган, юз-

файз даврага салобат бахш этиб турарди. Учрашув бошланишида «Довон жилгалари» тўғраги аъзолари навбатма-навбат Ватан мустақиллиги, тутилган қишлоқлари, табиат ва она каби ранг-баранг мавзуларда ўзлари ёзган шеърлардан намуналар ўқиб беришди. Уларнинг шаънига узок олқиш янгради. Айниқса, сўрида ўтирган қарияларни бу ҳол жуда хушуд этди. Бу қизалоқлар улардан кўпчилигининг неварачеваралари ёинки қайсидир жиҳатдан боланган қавму қариндошлари, ҳаёт давомчилири экани шундоққина кўриниб турарди.

ёзувчилар уюшмаси йўлланмаса билан

— кўзларида қувноқлик, шодиёналик барқ уриб турарди. Маълум бўлишича, қизалоқлар мана шу қишлоқ мактабига тузилган «Довон жилгалари» номли адабий тўғарак аъзолари бўлиб, уларнинг айримлари илк китобларини чоп этиб улғуришган, айримлари эса турли баёзларда, адабий тўпламларда ижод намуналари билан қатнашишган экан. Шийпон остидаги сўрилардан бирини қишлоқ кексалари тўлдириб ўтиришар, уларнинг юз-кўзларидаги

ки, бу ҳол билан фахрланмай, гурурланмай бўлмасди. Бунинг ижодкорлар ҳам пайкашган экани, улардан бири:

— Барча шарт-шароитларга, имкониятларга эга мана шундай қобилиятли ўғил-қизлар, неварачеваралари бўлган қайси ота-она, қайси буваю буви ўзини бахтли ҳис қилмаслиги мумкин! — деди.

Бу гап ўтирганларнинг барчасига маъқул келди. Сўнг шеърхонлиги савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар авжга чиқди. Обликликлар адабиётга ихлосманд, ижтимоий ҳаётда кечаётган ҳар бир ҳодисаю ўзгаришларга синчковлик билан қарайдиган одамлар экан. Президент Ислам Каримовнинг «Юсак маънавият — енгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланган асарлари хусусида қишлоқ мактаби ўқитувчилари юритаётган чўкур мулоҳазалар таъсири, жозибдор эди. Учрашувда сўз олган Облик қишлоқ мактабининг собиқ ўқитувчиларидан бири:

Давоми иккинчи саҳифада.

Бунёдкор халқимиз, аввало, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида она Ватанга муҳаббат, садоқат каби олижаноб туйғуларни камол топтириш, Ватан тақдирини учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган бадий етук, мазмунан теран қўшиқларни рабатлантириш ҳамда уларни эл-юртимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Бу йилги кўрик-танловнинг дастлабки босқичида Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Мудофаа, Ички ишлар вазириликлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасидан саксон мингга яқин истеъодлар қатнашди. Улар ижросидаги Ватанини шарафлайдиган, юсак инсоний фазилатлар маҳорат билан ифода этилган энг яхши қўшиқлар танлаб олинди, республика яқини босқичига 32 та қўшиқ тавсия этилди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган яқини босқичини Маданият ва спорт ишлари вазири Т.Кўзиёв очиб, иштирокчиларга муваффақият тилади. «Бугунги танлов ҳаммамиз учун энг қадрли бўлган Ватанини севиш, уни қанчалар юракдан ҳис этиш туйғуларини билан чамбарчас боғлиқлиги учун ҳам қадрли, — деди вазир ўз сўзида. — Танловнинг дастлабки босқичлари жойларда осон кечмади. Сабаби, бу йил ҳар йилгидан ҳам кўп ижрочилар танловда қатнашиш истганини билдирди. Бугун саҳнада ўз маҳоратларини намойиш этадиган хонандалар келажакда юртимизни улғулашга, дунё саҳналарида ўзбек санъатини намойиш этишга ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб умид қиламиз».

Танловда қатнашган хаваскор ва профессионал хонандалар ижросини маданият ва санъат намоёндаларидан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолади. «Маъқур кўрик-танловда яхши қўшиқлар сараланиши билан бирга, кўплаб иқтидорли ёш хонандалар кашф этилди, — дейди ҳайъат аъзоси, таникли композитор Ҳабибулла Раҳимов. — Масалан, ўзим учун қорақалпоғистонлик «Квартет» гуруҳининг чиқиши янгилик бўлди. Улар тўрт хил овозда қўшиқни маромига етказиб қўйладилар. Бизни хурсанд қилган нарса хаваскор ижрочиларнинг профессионаликка интилаётганлири бўлди. Мусиқага ҳам, матн мазмунига ҳам эътибор қучайган. Мумтоз йўналишда таникли хонанда Муножот Йўлчиева, вокал йўналишида операмиз юлдузи Муяссар Раззоқова ижро этган қўшиқлар барчада қатта таассурот қилдирди».

Шунингдек, Успенский номидаги мусиқа лицейининг 4-синф ўқувчиси Севара Жўраева, баҳши Хурматбек Худойёров, Сурхондарё мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг халқона услубдаги ижролари ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан гоилиб ва совриндорлар аниқланди. Гоилиблар иштирокидаги гала-концерт Мустақиллик байрами арафасида бўлиб ўтади.

Таабир

ЙЎЛЛАРДА ЕЛДИРИМ МИСОЛИ ЕЛДИМ...

Тезювар поезд бир маромда елиб борапти. Ташқарининг шовқини эшитилмайди, ҳатто пиёладаги чойнинг чайқалганини ҳам сезмайси. Ойнадан лип-лип ўтаётган манзараларни томоша қилиб бораркансиз, темир йўл қурувчилар ҳаракат тезлигини муттасил ошириш борасида жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари даражасига етиш, йўловчи вагини тежаш ва энг замонавий қулайликлар яратиш бўйича амалга ошираётган улкан ишларнинг маҳобатини ҳис эта бошлайсиз.

Атиги бир йил муқаддам саратон жазирамаси роса қиздирган кезларда йўлсозлар «Афросиёб» поездаи ҳаракатини бошлаш учун туну кун тиним билмай ишлаётган, бошқа поездлар гоҳида бекату даладашларда туриб қолган пайтлар эсга тушади. Ушанда қурувчиларга шароит яратиб, йўқотилган вақт ҳеч кимга малол келмаган. Ахир дунёнинг фақат еттита мамлакатда бўлгани каби мустақил Ўзбекистон ҳам учур поездлар қатновини йўлга қўйгани, бу — мамлакат куч-қудрати, истиқлол йўли юсак тараққиёт манзилларига туташганидан далолат беради.

Яқинда янги учур поездда Самарқанддан қайтарканман, «Афросиёб»нинг стоардессалардек ораста кийинган вагон

қузатувчиси «Хали поездимиз бундан тез юрадиган бўлади», дея атрофдаги қурилиш ишларига ишора қилгани кўз ўнгимдан кетмайди. У айтган гапларга ишонч ҳосил қилмоқ учун пойтахтдаги «Боштемирийўл-лойиха» институтига йўл олдим. Негаки, буюк режалар дастлаб гоё сифатида туғилади ва лойиха устидаги машаққатли ижодий жараёнларда тугал мазмун касб этади.

Лойихани эса улғу ишларга қодир, мамлакат тараққиётни олдиндан кўра билган ва юраги билан ҳис этган юрт фарзандлари яратади. «Боштемирийўл-лойиха» институтининг меймору муҳандислари ҳам ана шундай ижодкорлардандир.

Давоми олтинчи саҳифада.

ТАНЛОВ ЯҚУНЛАНДИ

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб, мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қўлама исоҳотлар, Ўзбекистонимизнинг буюк келажакга йўлдаги улғувор янгиликлар, замондошларимизнинг ёрқин сиймолари акс эттирилган, юсак маҳорат билан ёзилган бадий-публицистик мақолаалар, очерклар, насрий ва шеърини йўналишдаги энг яхши асарлар учун эълон қилинган «Ватан учун яшайлик!» танлови яқунланди. Танлов ҳайъати томонидан қўйидагилар гоилиб деб топилди:

Баринчи мукофот:

Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон халқ шоири, «Янги Тошкентнома» дoston-фахрияси («Ўқитувчи» НМИУ) учун;
Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Улғу аждодлардан мерос шижоат» очерки («Адиб» наشريёти) учун.

Иккинчи мукофот:

Ўрозбой Абдураҳмонов — «Оролбўйи

оппоқ тонглр оғушида» («Жамият» газетаси), «Меҳрим кўздагина эмас, кўнгилда» («Амударё» журнали) бадий-публицистик мақолалари учун;

Исажон Султон — «Озод» романи («Шарқ юлдузи» журнали) учун.

Учинчи мукофот:

Ҳамиджон Ҳомидий — «Устозлар сабоғи — ақл чироғи» бадиалар тўплами

(Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси наشريёти) учун;
Амиркул Карим — «Шабнам тараётган кўёш» шеърини тўплами («Янги аср авлоди» наشريёти) учун;

Ориф Тўғаш — «Ватан атри» шеърини тўплами («Тафаккур бўстони» наشريёти) учун.

Рабатлантирувчи мукофотлар:

Муяссар Тиловова — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ҳамда «Ёшлик» журналидаги туркум хикоялари учун;

Насриддин Исроил — «Термиз оқшоми» газетасидаги бадий-публицистик мақолалари учун;

Жумагул Сувонова — «Одамқуш кўшиғи» шеърини тўплами («Зарафшон» наشريёти) учун;

Сарвиноз Мусатдинова — «Карвон йўллари» шеърини тўплами («Адиб» наشريёти) учун;

Олкор Дамин «Наво» шеърини тўплами («Шарқ» НМАК) учун.

Кутубхона

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Бизнинг қишлоғимиз қадимда Илоқ деб аталиб, бу ердан Буюк ипак йўлининг карвонлари ўтган, — деди гапни узокдан бошлаб. — Улуғ шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам:

**Бормоқда не маскан муассар,
Турмоқда не давлат муқаррар,**

дея дарбадар кезган чоғларида мана шу қишлоғимизга кўниб ўтган, булоқларимиздан сувлар ичган. Шундай улуғ зот қадими теккан жойда яшаётганимиздан нима учун фахрланмаслигимиз керак, нима учун уларга муносиб бўлмаслигимиз керак?

Эҳтимол юзлаб, эҳтимол минглаб обдилик болаларга қалам тутказиб ёзиш-чиқириш ўргатган, катта ҳаёт йўлига қузатган ҳурматли муаллимнинг ҳаяжонли сўзлари ҳаёлимни беихтиёр Андижон томонларга олиб кетди. Бу бежиз эмас эди.

Шу йилнинг кўклами оёқланаётган кезларда бир гуруҳ киноижодкорлар, ҳужжатли кино санъатининг устаси, таниқли кинорежиссёр Темурали Аҳмадхўжаев, кинопереатор Валерий Алламуров ва кинорежиссёр Андижонга борган эдик. Мақсад, «Ўзбекино» миллий агентлиги бюротидаги биноан Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги ўқув фильмига зарурий лавҳаларни суратга олиш эди.

Эрта тонгда, Темурали Аҳмадхўжаевнинг таъбири билан айтганда, ҳали табиғатдаги ранглар куюклиги пайтида Андижон шаҳридаги шоир номи билан аталувчи боғнинг кираверишида тасвирчи камерасини ўрнатди. Энг тепада юртимиз мустақиллиги даврида қурилган, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига оид қимматли экспонатлар қўйилган музей кўзга ташланиб турарди. Бу музейдан улуғ шоир шахсига, фаолиятига, ижодига қизиқувчиларнинг, хорижлик меҳмонларнинг қадамлари узилмапти. Бу жой, айниқса, ёшлар учун ибрат мактабидир. Музейдан кўрак пиллаполяр орқали тушиб келинса, мажмуининг марказидаги Бобур ҳайкали ва унинг пойидаги:

**Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун
жон Бобурнинг,
Ғарибинга тараҳхум айлағилким,
Андижонийдур,**

деган мисралар кўзга яққол ташланиб туради.

Тасвирчи то камерани сошлаб, ўзича, зўр манзара бўлади, деб турган бир пайтада режиссёр уни шошириб:

— Тезроқ бўлинг, тезроқ бўлинг, — деб ҳолди ўзи ҳам энг муҳим бир нарсани йўқотиб қўйишдан қўрққандек. — Ҳозир улгуролмай қоласиз.

Тасвирчи унга ажаблангандек қараб қўйди-да, ишга киришди. У энди ўз ишини тугатиб бўлар-бўлмас шоир ҳайкали олди гуруҳ-гуруҳ мактаб ўқувчиларига тўлиб кетди. Улар ҳайкал пойига

гулдасталар қўйишди ва талашиб-тортишиб суратга туша бошлашди, болакайларнинг ҳар бири ҳайкалнинг энг кўзга кўринарли жойида туриб олишга ҳаракат қиларди.

Тасвирчи режиссёрга қойил дегандек бош чайқаб қўйиб:

— Хайрият-э, улгурдим, — деди.
— Улгуролмай қоласизми деб кўрқудим, — деди режиссёр, унинг юзини ташвиш аломатлари ҳамон тарқ этмаган эди.

— Мен кўрмай қолибман, сиз қандай пайкадингиз?

— Боғнинг нариги дарвозаси олдида бирин-кетин автобуслар келиб тўхтаб, улардан болалар туша бошлашди, дарвор сизни оғохлантириш учун ошқидим, катталар бўлсам майлидир, болаларни ортга қайтариб бўлмайди.

Тасвирчи бош чайқаб:

БОБУР ЙЎЛИ



— Сал бўлмаса, бир кунни йўқотаёвзудим-а.

— Эрта чиққанимиз яхши бўлган экан.

Кўёш аста-секин тиккага кела бошлаб, даракларнинг тепа шохларида тилла ранглар ўрнини ҳам яхлит ёруғлик қолаб олди. Бобур номидаги миллий истироҳат боғи бог деса дегулик, умумий майдони уч юз гектардан ортиқроқ майдонни қамраб олган, юзга яқин чойхона ва бошқа дам олиш масканлари, йўлгоҳлари мавжуд бўлган, булардан ташқари икки ярим километрга қўзилган симли арқон йўли дейдими, шунақаси ҳам муттасил ишлаб турадиган жаннатга қўйсанадиган жой. Мана шу уч юз гектарнинг қайси жойига борманг қушлар чўғурлашлари ва болаларнинг шовқин-суронлари қулоққа чалинадики, бу кўнглингизга қандайдир таскин-тасали, ҳузур ва ором бахш этади. Агар пастига қараганда кўнглингиз тинадигандек бўлиб туюлмаса, арқон йўлининг йўловчисини

бўлганингиз маъқул. Шунда қуйидаги ранг-баранглики пастликдан тепаликка қараб кетаётган илонизи йўлни, бу йўл бўйидаги дам олиш масканларини ва ҳаттоки, узок-узоклардаги манзараларни мароқланиб томошалашга имкон туғилади. Наҳ бир минг саккиз юз метрлик арқон йўли ва пастликдан тепаликка ўрмалаган илонизи йўл йўловчисини банд тепаликка олиб чиқиб қўядики, мўъжизаларнинг давомини ана шу ерда кўраверасиз. Бу тепаликнинг энг қудратли мўъжизаси ҳаво қизиб турган саратон чилласида ҳам ҳузурбахш шабаданнинг тинимсиз гир-гир эсиб тургани бўлса, қолгани инсон қўли билан яратилган обсерватория ва чархпалак каби мўъжизалардир. Чархпалакнинг энг банд нуқтаида ёшми-қарими, ким бўлишидан қатъи назар, ўзини дунё томида тургандек ҳис этади, лаҳзалик бўлса-да,

бу ҳисни қалбдан ўтказмоқ ҳам ажаб садодатдир. Мана, Бобур ҳайкали пайтада суратга тушишдан бошланадиган сайр яна қандай ажойиб-ғаройиб манзараларни намойён этишини билиб олаверинг. Болалар сайрни эрта тонгдан бошлаб юборишларининг сабаби чорак имтиҳонларини топшириб баҳорги таътилга чиққан эканлар. Агар улар эрта тонгда бу ерга келиб суратга тушиб олишмаса, янги келин-куёвлар, бошқа зиёратчилар қўлайишиб кетишар, ўзларини қизиқтирган бошқа нарсаларни кўриб олишга вақт кам қолишидан қизганишар эди. Истироҳат боғининг пастки қисмида, Бобур мажмуасига ёндош бўлган дарвозадан киришингиз билан хориждан келтирилган аттракционларда маза қилиб ўчаётган болалар, ёшларга нигоҳингиз тушади. Беланчақлар, аргамчилар, чархпалақлар... ва яна қанчадан-қанча, она тилимизда қандай номланишига ҳам одамнинг боши қотадиган аттракционларда қий-чув ажиза чиққан.

Мана шундай шарт-шароитлар яратилишида жонбозлик кўрсатиб келаётган инсон, Халқаро Бобур жамғармаси раиси Зокиржон Машрабовнинг ёрдамчиси Рустамжон исмли икки қўли кўксида бўлган хушмуомала йигит билан чойхоналарнинг бирини сўриб тўлдириб ўтирган нуруний отахонлар ёнидан салом бериб ўтар эканмиз, улардан бири:

— Ҳозир ош тайёр бўлади, марҳамат қилсинлар, — деди чин кўнглидан хуш таъвозе билан.

Биз раҳмат айтиб узоклашмоқчи бўлганимизда ўтирганлардан бири:

— Жиллақурса бир пиёла чой ичиб келинглр, — деди.

Иккинчи марта қилинган таклифдан сўнж рад этишини иложи бўлмади. Рустамжон нариги томонга, мен сўри киргоғига омонат чўқдик. Сўридагилар кафларини ёзишаркан, тўрда ўтирган чўққисоқол, кўзлари қулиб, юзидан нур таралиб турган камсуқум қарияга:

— Қани, Хожибобо... — деб юзланишди.

У ҳам кафтини дуога очиб, юртимизда тинчлик-омонлик бўлишини тилади. Шундан сўнж бир пиёла чой устида сўхбат бўлди.

— Андижонимизни ўзимиз зўрға таниб олаёмиз, шунақа тез ўзгариб, обдонлашиб кетяпти, — деди улардан бири.

— Айниқса, қўчаларни айтинг...

— Эсимизда бор, йўллар бўйига гуллар экиш ҳам Юртбошимизнинг ташаббус ва кўрсатмалари билан бўлган эди...

— Бу гаплардан чиқадиган хулоса шунки, — деди тўрда ўтирган қария салмоқ билан. — Ҳар ким қайси жойда нима иш қилсам яхши ишласин, яшаётган жойини обод қилиб яшасин. Халқимизда, қочиб кетсанг ҳам сочиб кет, деган мақол бор. Бу юрган жойининг одоб қилиб юр дегани.

— Истиклолимизнинг шарофати билан ўзимизнинг Зокиржон Машрабов каби серғайрат инсонлар мана шунақа катта ишларни бошлаб, ҳам ўтганларнинг руҳларини шод қилдилар, ҳам бизнинг мана бунақа завқ-шавққа тўлиб ўтиришимизга имкон яратиб қўйдилар, дуои саломимизни уларга етказинг, — дея қўшимча қилди бошқа қария. — Йўқса, Бобурнинг хоксини ота юртига олиб келишни ҳаёлимизга ҳам келтира олмасдик-ку.

Шу тариқа қариялар сўхбати авж олди. Биз изн сўраб, ўрнимиздан қўзгалдик.

Айтмоқчи, бу боғдаги йўлгоҳлару чойхоналар, музқаймоқлару андижонча павловхонтўралар, салқин хибоблару фарворалар ҳақида истаганча сўзлаган билан юртимизнинг барча гўшаларидан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб турган бир пайтада кўпчиликни ҳайрон қолдириш мақсиди мумкин. Аммо боғ дарвозаси олдида китоб дўконларининг мавжудлигию бу дўконларда алақайдаги олди-қонди, ўлдми-қуйдми ёлқи минг ҳижжалган билан ҳеч маъно чикмайдиган ўткинчи нарсалар эмас, фикр берадиган, халқимиз тарихи ва бугунидан ҳикоя қиладиган, хусусан, Соҳибқирон Амир Темурали, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида жамғарма савий-ҳаракати билан чет эллардан олиб келинган ва ана тилимизга ўғирлиб ўқувчиларга тўхфа этилган китоблар мавжудлиги ҳар қандай кишини қувонтирмай қолмайди.

— Бобур Мирзониинг истиклол йилларида кадр топиши Президентимиз Исроил Каримов буюк аждодларимиз бой маънавий меросини тўлиғича тиклаш, ўрганиш ва ёш авлодга етказиш йўлида илгари сурган эзгу мақсад ва вазифарлар билан боғлиқ, — дейди Зокиржон Машрабов. — Шу маънода Бобур йўли ҳам истиқлол йўлига туташиб кетган. Улуғ шоир айтганидек: «Бобурнинг «Х» асарини тў...

**Эй с, бориб аҳбобқа номини дегил!
Ҳар ким мени билса бу паёмини дегил!
Мендин демагил гар унутулгон бўлсам,
Ҳар кимки, мени сўрса, саломини дегил!**

Шойим БУТАЕВ

ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН

Бошланиши биринчи саҳифада.

Исломи дини кишиларни бир-бирига меҳру оқибатли бўлишга чақириси билан бирга, уларни динидан, миллатидан қатъий назар ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга ундайди. Қуръони Каримда: «Аллоҳга ибодат қилингилар ва Унга ҳеч нарса ни шерик қилмангилар! Ота-оналарга эса яхшилик қилингилар. Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшни ва бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир)га ва кўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилинг)!» дейилган.

Маъзур давъат жамиятнинг бирлиги, унинг аъзолари орасида дўстликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Рамазон ҳайити куни кексаларни зиёрат қилиш, муҳтож кишиларга меҳр-мурувват кўрсатиш, умуман, байрам кўригак-кўрк қўшадиган амаллар билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб фотиҳага бориш, улуғ байрамни мотамга айлантириш эса бидъат-хурфот амаллардан ҳисобланади.

Рамазон ҳайити қадимдан юртимизда халқимизга хос меҳр ва мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси бўлиб келган. Рамазон ойи мусулмонларни ҳайру саховатли бўлишга, бир-бирларига меҳр-мурувват кўрсатишга ундайдиган ойдир. Расулulloх саллаллоху алайҳи васалламнинг бу ойда қилинган ҳар бир амалга бошқа ойлардагидан кўра ортиқроқ савоб берилиши ҳақидаги ҳадисларига биноан саховатпеша кишилар томонидан, шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидоги масжидлар томонидан «Меҳрибонлик» ва «Саховат» уйларида бир қанча хайрия ишлари амалга оширилди.

Бировнинг ҳолидан хабар олиб, унга меҳр кўрғазиб қанчалик савоб иш бўлса, ўзганинг оғирини енгил қилиб, унга ҳамдард бўлиб, бошидан ташвишини қўтариш учун ўз ҳимоясига олиш оҳиратдан умиди бўлган ҳар бир инсоннинг эътиборида бўлмоғи зеро, Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васаллам: «Кимда-ким бир биродарига енгиллик яратиб берса, Аллоҳ унга қиёматда енгиллик беради», деб марҳамат қилган. Қуръони каримда зикр этилган: «Хайри, савобли ишларда бир-бирингиздан ўзишга шошилинг», деган чақирикқа жавобан хайрли ишларга ошққан одамгина бундай фазилатга эга бўлади.

Аллоҳга бевадд ҳамду санолар бўлсинки, Рамазон ойи давомида Республикаимиздаги барча масжидларда мўмин-мусулмонларимиз тарових намозларини имон ва ихлол билан эмин-эркинликда адо этдилар. Кўпчилик масжидларда хатми Қуръонлар ўқилиб, юртимиз тинчлиги, элимизнинг фаровонлигини Аллоҳ таолодан сўраб дуолар қилинди.

Азиз юртдошлар! Сизларни яна бир бор улуғ айём — мустақиллигимизнинг 21 йиллик тўғи ҳамда Рамазон ҳайити билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Ушбу саодатли онларда Аллоҳ таолодан мўмин-мусулмонларнинг тутган рўзалари, барча эзгу амалларини қабул айлашни ҳамда Ватанимизга ободлик, халқимизга янада фаровонлик, дастурхонимизга кут-баракат ато этишини сўраб дуолар қиламиз.

**Ҳожи Абдуразақ ЮНУСОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раисининг ўринбосари**

ёт назарияси ва шерунослик масалалари билан таништиришни мақсад қилган.

Илм — ўзни билмақар

“ЯНГИ ТОШКЕНТНОМА”

Ватанимиз жаҳон узра ўзининг кўҳна ва навқирон шаҳарлари билан ҳам маълуму машҳур. Самарқанд, Бухоро, Хива сингари қадим ва қутлуғ шаҳарлар турли даврлар адабиётини алоҳида мавзу бўлган, уларга бағишлаб кўплаб шеърлар битилган. Истиклол шарофати билан яшнаб, яшариб кетган тарихи бой шаҳарларимиз орасида Тошкентнинг ўрни ва маъноси алоҳида. Адабиётимизда асим поётахтимизни шарафлаб ёзилган ашъорлар талайгина. Чунинчи, атоқли шоиримиз Мақсуд Шайхзоданинг би буюк шаҳар мадҳ этилган “Тошкентнома” достони шеъ-

рийат мухлисларига яхши маълум.

Ана шу адабий анъана бугун ҳам бардавомдир. Яқинда “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан беш минг нусхада чоп этилган Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоирнинг “Янги Тошкентнома” достон-фахрияси юқоридаги фикримизга далилдир.

Маъзур асаридида шоир устозларнинг эзгу анъаналарини эзгу эътибор билан, маъзур адабий мавзунинг истиқлол даври талайгина. Чунинчи, атоқли шоиримиз Мақсуд Шайхзоданинг би буюк шаҳар мадҳ этилган “Тошкентнома” достони шеъ-



рийат мухлисларига яхши маълум. Ана шу адабий анъана бугун ҳам бардавомдир. Яқинда “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан беш минг нусхада чоп этилган Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоирнинг “Янги Тошкентнома” достон-фахрияси юқоридаги фикримизга далилдир. Маъзур асаридида шоир устозларнинг эзгу анъаналарини эзгу эътибор билан, маъзур адабий мавзунинг истиқлол даври талайгина. Чунинчи, атоқли шоиримиз Мақсуд Шайхзоданинг би буюк шаҳар мадҳ этилган “Тошкентнома” достони шеъ-

Доимий ҳамроҳ

**Кимлар уни мадҳ айламаган,
Мадҳ айланган бел бойламаган.
Элдан ҳижмат зўйсан олиб,
Эл кўнглига сўнж жойламаган.**

**Шукр, борман шу сафла мен ҳам,
Хуш ниятда қўлимда қалам.
Кўз ўнгимда юз очган Тошкент,
Ўзга маъво, ўзга бир олам!**

“Янги Тошкентнома” достони тарихий-фалсафий, руҳий қамровининг кенглиги, ҳис-туйғулар ифодасининг таъсирчанлиги, реал тарихий манзараларнинг аниқ тасвири ва баъдий талқини билан китобхонларга манзур бўлади.

Нашр муҳаррирлари: С.Сайид, С.Ҳўжаҳмедов. Баъдий муҳаррир Ш.Ҳўжаев.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрами арафасида “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти иқтисод фанлари доктори, профессор Нурислом Тўхлиевнинг “Тараққиётнинг ўзбек модели” китобини босмадан чиқарди. Кенг китобхонлар оmmasига мўлжаллаб чоп этилган маъзур асарда Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг геосиёсий ва геостратегик жиҳатлари, тараққиётнинг ўзбек модели мазмун-моҳияти, унинг асосий тамойиллари, глобал, минтақавий ва миллий тараққиёт моделларининг моҳияти, шунингдек, бозор муносабатларига ўтиш йўлидаги қийинчиликларнинг қандай босиб ўтилганлиги жараёнлари таҳлил этилади.

“Ўзбек модели” самарасида миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам тамал тоши қўйилди, мамлакатимиз илчил ва барқарор ривожланиш йўлига ўтди”, деб ёзади муаллиф.

Дарҳақиқат, бу йўлнинг сабоқлари, машаққат билан босиб ўтилган ибратли ва ифтихор қилса арзигулик жиҳатлари кўп. Муаллиф китобдаги “Ўзбекистонда бозор иқтисодига ўтиш зарурати ва шарт-шароитлари”, “Глобал ва минтақавий тараққиёт моделлари”, “Миллий тараққиёт моделлари”, “Ўзбек модели ва унинг ривожланиш хусусиятлари” сингари ўндан ортиқ бобларга киририлган “Бир ёнда “Йўлбарис-ўлдан”, бир ёнда “аждарҳо”, “Кайси йўлдан борамиз?”, “Тарихий тажриба ва миллий анъаналар”, “Нозик масала”, “Давосда тан олинган ҳақиқат”, “Боқимандалик — худбинлик”, “Чиптасиз йўловчилар”, “Тангликдан чиқиш фе-

номени”, “Кувган яхшими, ўзган?” каби кўплаб таҳлилий мақолаларда миллий тараққиётнинг “ўзбек модели”нинг ўзига хос жиҳатларини кенг оммага тушунарли услубда ифода этишга ҳаракат қилган.

Китоб хотимасида таъкидланганидек, “Бу йўлнинг ҳаётбахш самаралари — овоз ва обод Ватанимизнинг гўзал ва бетакрор қиёфаси, шаҳру қишлоқларимиз жамоли, халқимиз фаровонлигига асрлар давомида намойён бўлаверади”.

Юртбошимиз Исроил Каримов “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” риволасида интернет имкониятларидан тўла фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб шундай ёзади: “...ёшлар бугун ахборот ва маълумотларни асосан Интернет орқали оляпти...

Модерни шундай экан, энди одамлар, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деб фақат нолиб ўтирмадан... Интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук баъдий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бoш қотириб зарур. Айни вақтда ана шундай замонавий воситалар ёрдамида мумтоз адабиётимизни, жумладан, Алишер Навоий асарларини халқимизга яқинлаштириш, бу ноёб меросни ҳақиқатдан ҳам маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаига айлантириш барчамиз, аввало адабиёт аҳлининг вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”.

Дарҳақиқат, интернет имкониятларидан фойдаланишда хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам асқотиши тайин. Бу борада, айниқса, рус адабиётшунослигига амалга оширилган ишлар ибратлидир.

1996 йилдан бошлаб рус интернет саҳифаларида бошқа маълумотлар қаторида туркий поэзия тарихи ва назариясига оид қарашлар, таржималар, интернет коммунлар пайдо бўла бошлади. Бу жараён ўзбек маданияти ва адабиётига қизиқувчилар аудиториясини кенгайтирди. Қолаверса, туркологларда ўз соҳаси бўйича бошқа давлат тадқиқотчилари билан масофали мулоқот, тажриба алмашиш имконияти ошди. Шарқшунослик факультетларининг «Ахборотнома»лари ва туркий филология бағишланган «Туркология мажмуаси», «Шарқ ёзма манбалари», «Петербург шарқшунослиги», «Шарқ», «Россия туркологияси», «Туркология муаммолари», «Turcologica» каби журналларнинг деярли барчаси 1998 — 2000 йиллар давомида онлайн тизимга ўтди ва улар билан интернет тармоғи орқали танишиш, мақола юбориш имконияти туғилди.

Интернет поэзия нафақат рус адабиётшунослигига, балки дунё

илмида кам ўрганилган феноменлардан биридир. Интернет поэзияга бағишланган мақолада рус феноменининг ўзига хос хусусиятлари имкон қадар очиб берилган. Уларда онлайн поэзия, тармок адабиёти, интернет ва рус адабиётшунослиги, глобал катехизис (йўриқнома), интернет-китобхон, интернет-персонаж, интернет-танқидчи каби кўплаб янги тушунчалар ҳақида маълумот олиш мумкин.

Рус туркологиясига доир маълумотлар, Санкт-Петербург, Москва, Қозон шаҳарлари кутубхоналаридаги туркий кўлэмалар, арши ҳужжатлари ҳақида ҳам глобал тармоқдан билиб олиш мумкин. Интернет саҳифаларида берилган маълумотлар мутахассислар томонидан тез-тез бойитилиб, тўлдирилиб борилади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда тармок улкан «уммон»га, «гигант кутубхона»га айланган. Бу ўринда ўзбек мумтоз адабиёти акс этган айрим интернет саҳифаларини кўриб чиқиш фойдадан холи бўлмайди.

http://www.orientalstudies.ru сайти Санкт-Петербургда жойлашган Шарқ кўлэмалари институти интернет саҳифаси бўлиб, 1998 йилда ишловчинос олдим С.М.Прозоров лойиҳаси ва раҳбарлигида глобал тармокқа чиқарилган. Маъзур сайтга бошқа Шарқ манбалари қаторида туркий адабиётга, кўлэмаларга доир маънографиялар, мақолалар, қилинган ва қилинаётган илмий тадқиқот ишлари ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган. Энг муҳими, XX аср бошидан буюн амалга оширилган деярли барча илмий ишларнинг электрон манбалари киритилган. Адабиётшунослар масофадан туриб А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, И.В.Стеблева, Г.Благова, С.Иванов, Л.Дмитриева, С.Н.Муратов, А.Пилев каби ўзбек мумтоз адабиёт-

ти бўйича илмий иш олиб борган олимларнинг турли журналларда босилган тадқиқотлари билан танишиши мумкин.

С.Ивановнинг маъзур сайтда акс этган мақолаларидан бири «Эски ўзбек поэзиясида газал жанрини ўрганишга доир» деб номланади. Мақола аввалида муаллиф улуғ шоир шеърини таҳлилида Е.Э.Бертельс, Я.Рипка тадқиқотлари билан бирга, поэзия хусусиятлари ҳақидаги А.Н.Веселовский, Д.С.Лихачев изланишларига ҳам диққатини қаратади. С.Иванов фикрича, газал таҳлили-

да фақат нима айтилгани билан эмас, нима айтилмай қолгани билан ҳам қизиқиш лозим. Газалда айтимай қолган фикр, мисра, байт жанрнинг ўзига хослигини таъминлаш, бир қанча баҳо-мунозараларга сабаб бўлиши мумкин.

http://www.tyurk.ru сайтига «Селмур», деб ном берилган. Интернет саҳифа руғат, китобхона, поэзия ва бошқа рубрикалардан иборат. Бу сайт орқали нафақат рус фуқароси, балки рус тилини биладиган ҳар қандай китобхон XII–XX асрлар мумтоз ўзбек поэзияси, унинг специфик хусусиятлари билан танишиши мумкин. Саҳифага Юсуф Хос Ҳожиб, Хоразмий, Аҳмад Яссавий, Атоий, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Мунис, Оғажий, Фурқат ва бошқа улуғ шоирларимизнинг газал ва рубоийлари, асарларидан намуналар С.Н.Иванов таржимасида ўзига хос дизайнда жойлаштирилган. Масалан, саҳифанинг Навоий ижодида бағишланган қисмида шоирнинг рус тилига ўтирилган деярли барча лирик ва эпик асарлари, уларнинг қисқача тавсифи билан танишиш мумкин. Сайт орқали китобхона нафақат Навоий асарларидан баҳраманд бўлади, балки улар ҳақида олимларнинг фикр-мулоҳазалари билан ҳам танишади.

http://www.rifma.com.ru интернет саҳифаси китобхонни адабиётшунослик ва тармок адабиётшунослик масалалари билан таништиришни мақсад қилган. Сайт орқ

Фарида АФРЎЗ

ЮРАГИМ ТОРИСАН, МАНГУ НАВОСАН



Ога-ним — нур, кўшим,
Уларни деб гир югурган
Танам мени кечиргайму?!
Оҳ деганга дармон бўлдим,
Воҳ деганга қалқон бўлдим,
Ўз жонимда зўриққан, ў,
Ярам мени кечиргайму?!
Шундай ўтсам, дилим вайрон,
Йўлиққанним бўлди ҳижрон,
Савол армон, жавоб армон,
Олам мени кечиргайму?!
Фарид Афрўз, қаромат сўз,
Ҳидоят сўз, иноят сўз,
Улуғ кунда айтолмаган
Калом мени кечиргайму?!

Юракда ҳар неки тумонат шон бор,
Магар адолат бор, магар нймон бор,
Бирдан-бир Худога етгучи жон бор,
Шул дамнинг сўзисан, ёлғизим, ўғлим,
Сен бахтнинг ўзисан, ёлғизим ўғлим.

Қонингда кўпирди менимдек тутён,
Бир қараш азминдан тинади бўрон,
Шиддатинг қошида паст эрур осмон,
Осмоннинг кўзисан, юлдузим ўғлим,
Сен бахтнинг ўзисан, ёлғизим ўғлим.

Оловни хўплаган сирли сафосан,
Урим сўқмоғида ёруғ маъвосан,
Юрагим торисан, мангу навосан,
Карвоним сардори, илдишим ўғлим,
Сен бахтнинг сўзисан, ёлғизим ўғлим.

Депсиниб айланар бу чархи даврон,
Ишқ эрур бу олам боксанг-да кай ён,
Ёнимда болокаш, саргардон, гирён,
Вафонинг бошида тўғимсан, ўғлим,
Сен бахтнинг ўзисан, ёлғизим ўғлим.

Бешикда зурриёд, чиноринг бўлсин,
Жаннатдан дараклар ифоринг бўлсин,
Рўзи қиёмат ҳам хушдоринг бўлсин!
Тақдир китобида чин сўзим ўғлим,
Сен бахтнинг ўзисан, ёлғизим ўғлим.

Даланинг қоқ ўртасида,
Саратон мавжиди, тут соясиди
Гўдагини бағрига босган жувон —
Менинг Ватаним!

Пахтасининг гулларин ўпиб,
Эгатларга жон терин тўкиб,
Кўсагининг кудларин кўриб,
Кўзларига ёш олган дехқон —
Менинг Ватаним!

Ёз чилласи дошқозониди
Қовурдоқдек қовириб,
Гармселда совуриб,
Шамолга шафтоли тутган боғбон —
Менинг Ватаним!

Бобосининг белбоғин —
Адолатнинг байроғи қилиб,
“Ҳалол, ҳалол!” дея, рақибин
Қурагини ерга босган полвон —
Менинг Ватаним!

Миллатим, юртим — ориятим деб,
Тинчлик муддаомдир, пок ниятим деб,
Темурий тулпорин миниб,
Кўкрагини қалқон этган ялангтўш султон —
Менинг Ватаним!

Томчисини қизганмайди уммони борлар,
Нафасини санаб олмас осмони борлар.

Куз келмасдан хазон бўлар янтоқ ёбонда,
Тўрт фасл ҳам гуллайверар боғбони борлар.

Карвонни деб, ёв бўлганлар ёвга олдирав,
Балолардан омон чиқар сарбони борлар.

Дона донин ўзи эмас, едирмас суллоҳ,
Сичқонга ҳам озор бермас хирмони борлар.

Қайда мансаб, қайда шухрат, ундан қочарлар,
Юрағида шайтон эмас, раҳмони борлар.

Ҳийла-найранг, фикси-фасод бош кўтарган чоғ,
Шер мисоли наъра тортар виждони борлар.

Дўстни сотмоқ, ёрдан тонмоқ касби олқоқнинг,
Ҳар инсонни ҳикмат билар нймони борлар.

Кўй, куйини, Фарид Афрўз, янги тонг отди,
Сени қутар меҳр деган кўрғонни борлар.

Неча ойлар, неча кунлар
Фафлат ичра ўтди туллар,
Ёзолмадим, сўз демадим,
Қалам мени кечиргайму?!
Умрим бердим синовларга
Вақтим топдим бировларга,
Остонада “қорам”га зор
Онам мени кечиргайму?!
Опа-синглим — кўзим-қошим,

Кутилмаганда Арслон чол кампирдан айри-
либ қолди, галтактай пишиққина кампир бир
оқшомгина лохаслабни омонатини топшири-
қўйди. Барваста, товуши довулдай гулдираб
юрган чол бирдан ели чиққан шардай чўкди
қолди. Ҳарҳолда, бу кексалиқдаги айрилик ўн
ийгитга ўринини бермай юрган қарияни дов-
диратиб қўйди. Отанинг назарида гўё ўзи қат-
нашиб юрган давралардан бирдан файз кет-
ди, бу олам хувиллаб бўшаб қолгандек эди гўё.
Чол ўйдан чиқмас, ҳеч нарсага хуши йўқ эди.
Тую томошаларга мутлақо йўлмас, хатто чой-
хонага киришни ҳам тарк этди.

Арслон ота йўқлиги учун тенгқурлар ораси-
да мудом давом этиб келган аския, ҳазил-хузул-
лар ҳам ўз-ўзидан барҳам топангандек бўлди, да-
вомли, қизгин гурунларнинг бели совида.
Ёлғиз ўзи уйига қамалиб, нортундек чўкиб ётган
чолни тенгқурлари келиб, давраларига чор-
лар, қария эса кескин рад этиб, “Ҳар нарса-
нинг ўз вақти бор”, деб кўярди...

Ҳамма томондан “қўлни ювиб қўлтиққа ур-
ган” ота бир масалада жуда каттиққўл эди. У
яккаю ёлғиз ўғлини зир югуртириб, кампирин-
нинг барча расм-русумларини вақти-вақтида
қўнғилдагидек қилиб ўтказди. Келди-кетдилар
тийилиб, қўллари бўшаган, ота ўғли ва кели-
нига рухсат берди. Бола-чақаси билан шаҳар-
га қайтиб борганига бир ҳафта бўлган ҳам
эдики, ота ўғлини зудлик билан яна чақиртир-
ди. “Ишқилиб тинчлик бўлсин-да!”. Автобусда
юршига сабри чидамай, такси ёллаб, ҳадик-
сирай-ҳадиксирай этиб келган Жавлон ота-
сининг жиддий гапи борлигини дарров сездди.
Негаки, чол гапини мақолдан бошлаганди.

— Уйчи ўйлаб бўлгунча, таваллакчи ишини
битиради, ўғлим, — деди соқолини дамба-дам
силаб қўяётган отаси Жавлоннинг кўзларига
тикилиб. Мана, кунлар ҳам жўнашиб кетди.
Энди бугега ёз, уйлари сал уёқ-бугега қараб,
кенгайтириб олсамкикин, дедим...

Жавлоннинг хаёлида ҳозир яшаб турган ша-
роити, уй аҳволи жонланди. У кута-кута энди-
гина орузсига эришган, шаҳарнинг чиройли
қисмида қурилган иморатларнинг биридан тўрт
хонали уй олганди. Бу уй иккинчи қаватда,
болаларнинг кичилари ёнгинасидаги боғчага
боришди. Хотини ўқитувчи, мактаб ҳам чақир-
са овоз етдиладан жойда. Тўнғич фарзандлари,
хотини билан қўйналмай, ўқишга бориб-келиб
туришибди. Келди-кетди кўп, қишлоғидан ша-
ҳарга тушганларнинг ақсарияти Жавлонларни-
кига қидириб боради. Хотини Мухайё шаҳарда
туғилиб ўсган, жуда одамхон, келган меҳмони-
ни ош билан сийламас, кўнгли ўрнига туш-

майди. Хуллас, иккинчи маош қўлга теккунча,
биринчиси этиб туради. Шу қулайликларни
ўйлаб, эр-хотин гапини бир жойга қўйишган ва
кишлоқда қолган отасини олиб шаҳарга олиб
кетмоқчи бўлган эди. Болалари ҳам “бобом”-
лаб қувониб қолишди. Шуларни хаёлида пи-
шитиб, хотини айтган гапларни ҳам ичиди так-
рорлаб келган Жавлоннинг дами ичига тушиб
кетди. Болалиқдан отасидан ҳайкиби ўсган йи-
гитнинг ўз-ўзидан фикрлари тўзиб кетди. Ни-
ятини айтиш тугул отасига киройи жавоб ҳам
беролмай қолди. Бунга сабаб шаҳардаги тур-
муши хотини билан ўзларича чолни “чолде-
ворнинг бири бўлиб қолса кимга зори, инсон
гап бўлади”, деб қилган режалари ҳам пуч
бўлди ҳисоб. Эски уйлари бузиб, ўрнига янги
иморат турғизишнинг ҳам ўзи бўлмади-ку, у
ёқда иш, рўзгор... Қолаверса, эндигина уйли
бўлган жойида хотинини бу гапга кўндириш билан
осон кечмайди. Ўзининг кўнгли ҳам... алқисса
Жавлоннинг боши говлади.

— Ҳа, мум тишлаб қолдинг? — ота Жавлон-
нинг кўнғилдагиларни уқиб тургандек зарда
билан давом этди. — Сендан бир мириям сўра-
майман, кўрқма. Онанг иккимиз ўлимликкам,
уй қураимиз, деб бунгаям етадиган маблағ
тўлаб қўйган эдик. Раҳматлик, янги уйни, бо-
лаларини бағрида қўришни оруз қила-қила
ўтиб кетди. Уйни янгиласан, кўчиб келсанг,
онангнинг руҳи шод бўлармиди?!
Жавлонни энди қишлоққа қайтиб кўчиб кели-
ш ваҳимаси босди. Уйланиш олдидан Му-
хайё унинг: “Умрбод шаҳарда яшаймиз”, деган
ваъдасини олганди. Шу ваъда сабабидан улар
қишлоқдалик пайтларида бир неча бор юз қиза-
ри ҳам бўлиб ўтган. Бу мавзуга қайтиш учун
Жавлоннинг кўнгли айнакча ҳозир бетламас-
ди. Болаларининг боғчаси, мактаби нима бўла-
ди? Бу ерда эса... боғча ҳам қишлоққа муно-
сиб, ҳаминқадар. Мактабда ҳам таълим-тарбия-
нинг мазаси йўқ, дейишади. Бу ёғи қандоқ
бўлди?! Йигитнинг хаёли охири йўқ қалавадек
чуваллашиб кетди.

— Мундо-о-оқ кўнғилдагини гапирсанг-
чи, тилинг борми ўзи?! — деди ота чинакама-
га жажли қичиб.

— Қайдам, ўйлаб кўрармиз...
— Э... сенга қолган куним шу бўлса!..

Арслон ота этагини қоқиб, ўрнидан туриб кет-
ди. Йўл-йўлақай “бир ота ўн ўғлини боқармиш-
у, ўн ўғил бир отани боқолмасмиш”, деб алам
билан гапириниб кетди. Унинг кейинги гаплари
секин айтилган бўлса-да ўғил баралла эшит-
ди. Чол шу кескин юриши билан кетмонни
қўлга олди-да, уй сиртига ўтиб кетди. Қўлбола

ЎЗБЕКИСТОН РАСМИ...

(Интерактив шар ёхуд сенсорли глобус)

Миллий кутубхона. Интерактив шар
Ёқилди бу ерда — зал ўртасида.
Зумда атрофини ўради ёшлар,
Тўлиб кўзларига завқ-шавқ, нашида.

Пайпаслашиб кетди зум ўтмай шитоб,
Ҳар томон шахд ила юмалатдилар.
“Шошманглар, топайлик Ўзбекистонни!”
Бир-бировга шитоб сўз қотди улар.

Давра, глобус ва кўз майдонига
Нурлари ёғарди улкан Ер шарин.
Силжитарди ҳамма ўз томонига
Ватан ҳамда Ватан чегараларин.

Мўъжиза рўй берди, технология
Қудрати ё? Унча тушунолмадим.
Йўқолди қайгадир бошқа давлатлар,
Бошқа сувлик, бошқа қуруқликлар жим.

Хаёллар ҳаётга айланди гўё,
Ҳайрат-ҳаяжонга тўлди ҳаммаёқ.
Бутун глобусни эгаллаб-яшнаб
Ўзбекистон расми қолди танҳо, тоқ.

Компютерчи уста “Буздиларинг” деб,
Шар “пулт”ни асабий боса бошлади.
Компютерчи уста — кўпни кўрган чол
Тушуна олмади бу гал ёшларини.

Ҳеч гап йўқ бу ерда мураккаб, чигал,
Рўй берди воқеа — замонага мос.
Интерактив шарга юраклардаги
Ватан муҳаббати кўчганди, холос.

ФАВВОРА

Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ҳовлисидаги муסיқий фавворалардан илҳомланиб

“Сен кўккамас, шу ерга сизин”
Асқар ҚОСИМ

Муסיқий фаввора, нури фаввора,
Эй сеҳр-жоду-ла олаётган хуш,
Гоҳо бўзлаётган — бағри садпора,
Гоҳ шодон, фалакка ураётган тўш,
Энг гўзал қўшиғин куйлаётган қуш.

(— Адашдинг, кўрксизни бўлмас қўшиқнинг,
Фарзанди-ку қўшиқ севгининг, ишқинг.
— Лекин қўшиқнинг ҳам қўшиғи бор-ку,
Одамнинг ҳам одами бўлгани каби.
Сену мендек жонлиг, қолаверса, сув,
Жўш урар, демакки, унинг ҳам қалби).

Дарё бўлиб оққинг келар эҳтимол,
Денгизларга қуюлмоқ истайсан бориб.
Оёгингдан бойланганинг келмасин малол?
Ўтолмайсан ҳудудларинг бузиб, кўпориб.

нарвондан юқорига чиқди ва тусма таваккал
эски томни чангитиб оча бошлади. Унинг бу
ҳаракати чолнинг қаттиқ аччиқланганини ан-
галар эди. Отанинг меҳри каби қаҳри ҳам қат-
тиқлигини яхши билган ўғил унинг паноҳига
қайта йўлалди-да, орқа эшикдан чиқиб, се-
кингина шаҳарга жўнаворди...

— Дадам соғ-сало-
мат юрибдиларми,
қариндошлар тинч-

Асад АСИЛ



омонми? — ҳар доим-
гидек дарров суриш-
тирди, хушбўй мош-
кичирини дастурхонга қўя туриб Мухайё.

— Ҳа, — истар-истамас жавоб берди Жавлон
қороқ-тумшуги осилиб. Одатига қара, Мухайё
гапни тўхтатиб, бошқа гап сўрамади. Эри уйига
хафса ҳолда қайтган кезларида, “ўпқасини бошиб
олгунча”, у индамас, ўз холига қўйиб берарди.
Болаларни ҳам боғчадан ўзи олиб келди. Ҳар
кунгидек, бир амаллаб озгина овқат едирди, дам
ялиниб, дам уришиб, зўрға ухлатди. Жавлон де-
вор томонга ўгирилиб олганча, ҳар замон-ҳар за-
монда «ух» тортиб, миқ этмай ётаверди. Унинг
уйқуси ўчиб кетган, отасининг гапига ва жаҳл-
дор кўёфаси, ораларида бўлиб ўтган қисқа ва
кескин суҳбат хаёлидан сира ўчмасди.

Ошхона юмушларидан қўли бўшаган Мухайё
хоналарнинг чирокларини ўчирди-да, келиб
эрининг ёнига охишта чўзилди. Жавлоннинг
юрағидаги дардини тахминан тушуниб, паст ва
майин овозда кўнғилдаги гапларни айтди:
— Адажониси, дадам боққини ҳам қўйин
бўлди-да! Қариганда кадрдонларидан айрилиб
ёлғиз бўлиб қолди. Бир ўйлаб кўрсакмикин?
Агар сиз рози бўлсангиз, қишлоққа...

— Ҳа, энди сенки етмай турувди! Қишлоққа
кўчалик демокчимсан?! Кўчмайман, эшит-
дингми, кўчмайман! Нима, менинг пешонамга
фақат сарсон-саргардонлик битилганими? Ёки
мени синаб кўрпаланим, сир олмоқчимсан?!
Жавлон ўрнидан эргиб туриб, диванга ўтир-
ди. Стол устида ётган сигаретдан олиб тутат-
ди. Бир пасдан сўнг қўлидагини ташлаб, бош-
қасини ёқди.

— Ҳай, ҳай, намунча дағаллашиб кетмасан-
гиз, — майингина қулимсираб ўзини оғирлик-
ка олди Мухайё. — Янги танишганимиздаги
анави гапларни айтпасизми? Тўйгача ваъда-
ларинг кўпига кўп бўлади. Сиз биттагина ваъ-
дагини бажармай қўй қўлинг! Мен бунчи ҳеч
қачон юзингизга солмасликка сўз бераман.
Ахир, ўйлаб кўринг, шаҳардан қишлоққа бор-
сак, нимани ҳам йўқотарди! Мен ўқитувчили-

ЭНГ ГЎЗАЛ КЎШИҒИН КУЙЛАЁТГАН ҚУШ



Куйлар созлар, ҳофизлар сенга жўр бўлиб,
Сен уларни ё сени англайди улар.
Йўлинг — кўкка ихлол қилганлар йўли,
Тўлқинларинг эса ерга бош урар.

Шундоқ ҳам азизсан қадим-қадимдан,
Аср-асрларни лол қилган товшинг.
Лек замон талаби, кимсан, айт, кимдан?
Мустиқилликни ҳам кўрди-ку бошинг.

Сапчийсан, тошасан, таратиб зиё,
Бағриндан жиллолар тарқалар шўх-шаъи.
Эртақдаги оқшун эмассан асло,
Ҳилқатсан ҳаётинг, ҳайратсан, зотан —

Шоирга ўхшайсан шу ҳолатингда,
У ҳам куйлаётган фавворамасми?
Кечиб роҳатидан, фароғатидан,
Ватанин куйлаш-ла оворамасми?

Фарқи сен тинасан. У-чи? Ҳеч, сира,
Ўйлар қишин-ёзин Ватанин, халқин.
Сўраса Аллоҳдан юртига сўрар,
Сўрар миллатига қонуний ҳақин.

Унга дахл этолмас замон, давр, кун,
Кўшимча овозу қўшимча ранглар.
Туғилган масканин толеи учун
То жони бер экан шундай жаранглар.

УКА

Ҳеч ким ўргатмаган, ҳеч ким айтмаган,
Йингига опангин кўриқлаб бор деб.
Қалб буюрганидан ука қайтмаган,
Кечган оромидан гурур деб, ор деб.

Ота-она рухсат берганин билар,
“Яна нима керак сенга, эй аҳмоқ!..”

гимни қилавераман, сиз иқтисодчилигингизни.
Қолган кам-кўстларни тенг туриб битиравера-
миз-да. Қани, буюққа ўгирилиб, мундай одам-
га ўхшаб гап берсангизчи?
Жавлон Мухайёнинг гапларини жон қулоғи
билан тингларди-ю, унинг кутилмаган бу тақ-
лифига ишонқирамай, хотинига зимдан қараб
кўярди.

— Келинг, ковогингизни очинг, дадаси! —
Мухайё овозини бир парда баландлатди. —
Ўзингиз ҳам жон-жон деб турибсиз-у, муғом-
бирликка бало борми! Сизга ярашмас экан!

Дармонсизлангандан тиззалари қалтираб
кетган ота қалқиб, кесақлар уюми устига ўти-
риб қолди. У катта йўлдан бурилиб, маҳалла-
си томон ақинлашаётган машинадан кўз узоқ-
масди. Гўё бир зум қарамай қолса, йўқотиб
қўядигандек, киприк қоқмай ўтирарди.
Машина сеҳрланган каби Арслон ота уйи
томон бурилди. У қўнғилдан вағиллаганча чи-
қиб келиб, ариқчадан бир силтаниб ўтди. Ва
дарвоза яқинида тўхтади. Кабина эшиги очи-
либ, жингалак соч, қоп-қора юзли шофёр са-
раб тушди.

— Хорманг, бобой, юракдан ҳам бор
экан-да, а? Бир ўзингиз ишга тушиб ке-
тибсиз?!
Ота шофёр билан ўрнидан турмасдан кўриш-
ди, индамасдан қандайдир илинж билан унинг
оғзини поилади. Шофёр чолнинг қўлини қўйиб
юбормай туриб сўради:
— Ота, ветврач Турсунбой ақанинг уйи
қаерда? Жуда керак бўлиб қолди.
Чолнинг гапирришга мадори қолмаганди,
қўли билан юқори маҳаллага ишора қилди.
Машина ўтиб кетгач, ота титроқ бармоқлари
билан човғум дастасидан охишта тутди, ўнг
қўлига таяниб, ўрнидан аранг турди, бошини
қўйи эгнганча, ариқ томонга жўнаган ҳам эди-
ки, ортида машина тўхтади. Аранг ўгирилган
отанинг ажинлар қуршоғидаги кўзлари пор-
лаб кетди. Машинадан тушган йигит ўғлига,
сумка кўтарган аёл келинига ўхшарди. Болал-
лар ҳам неваралари шекилли...

— Дадам, дадажоним!
Тўнғич невараси Лола чопганча келиб, бо-
босининг буйиндан кўчди, юзларидан чўп-чўп
ўпди.
— Эй, Худо, борингга шукр, кўрсатганингга
шукр, — шивирлади ота ташналикдан қақшаб
кетган лаблари билан. Қария қоқсуяқ, баралла
қалтираётган бармоқлари билан неварасининг
сочларини силаркан, серажин юз-кўзларидаги
чангда из қолдириб томчилар думаларди. Бу
терми, кўз ёшларими... билли бўлмасди.
Чолнинг ташналиги бирдан босилди.

Ота шофёр билан ўрнидан турмасдан кўриш-
ди, индамасдан қандайдир илинж билан унинг
оғзини поилади. Шофёр чолнинг қўлини қўйиб
юбормай туриб сўради:
— Ота, ветврач Турсунбой ақанинг уйи
қаерда? Жуда керак бўлиб қолди.
Чолнинг гапирришга мадори қолмаганди,
қўли билан юқори маҳаллага ишора қилди.
Машина ўтиб кетгач, ота титроқ бармоқлари
билан човғум дастасидан охишта тутди, ўнг
қўлига таяниб, ўрнидан аранг турди, бошини
қўйи эгнганча, ариқ томонга жўнаган ҳам эди-
ки, ортида машина тўхтади. Аранг ўгирилган
отанинг ажинлар қуршоғидаги кўзлари пор-
лаб кетди. Машинадан тушган йигит ўғлига,
сумка кўтарган аёл келинига ўхшарди. Болал-
лар ҳам неваралари шекилли...

— Дадам, дадажоним!
Тўнғич невараси Лола чопганча келиб, бо-
босининг буйиндан кўчди, юзларидан чўп-чўп
ўпди.
— Эй, Худо, борингга шукр, кўрсатганингга
шукр, — шивирлади ота ташналикдан қақшаб
кетган лаблари билан. Қария қоқсуяқ, баралла
қалтираётган бармоқлари билан неварасининг
сочларини силаркан, серажин юз-кўзларидаги
чангда из қолдириб томчилар думаларди. Бу
терми, кўз ёшларими... билли бўлмасди.
Чолнинг ташналиги бирдан босилди.

Ота шофёр билан ўрнидан турмасдан кўриш-
ди, индамасдан қандайдир илинж билан унинг
оғзини поилади. Шофёр чолнинг қўлини қўйиб
юбормай туриб сўради:
— Ота, ветврач Турсунбой ақанинг уйи
қаерда? Жуда керак бўлиб қолди.
Чолнинг гапирришга мадори қолмаганди,
қўли билан юқори маҳаллага ишора қилди.
Машина ўтиб кетгач, ота титроқ бармоқлари
билан човғум дастасидан охишта тутди, ўнг
қўлига таяниб, ўрнидан аранг турди, бошини
қўйи эгнганча, ариқ томонга жўнаган ҳам эди-
ки, ортида машина тўхтади. Аранг ўгирилган
отанинг ажинлар қуршоғидаги кўзлари пор-
лаб кетди. Машинадан тушган йигит ўғлига,
сумка кўтарган аёл келинига ўхшарди. Болал-
лар ҳам неваралари шекилли...

— Дадам, дадажоним!
Тўнғич невараси Лола чопганча келиб, бо-
босининг буйиндан кўчди, юзларидан чўп-чўп
ўпди.
— Эй, Худо, борингга шукр, кўрсатганингга
шукр, — шивирлади ота ташналикдан қақшаб
кетган лаблари билан. Қария қоқсуяқ, баралла
қалтираётган бармоқлари билан неварасининг
сочларини силаркан, серажин юз-кўзларидаги
чангда из қолдириб томчилар думаларди. Бу
терми, кўз ёшларими... билли бўлмасди.
Чолнинг ташналиги бирдан босилди.

Ота шофёр билан ўрнидан турмасдан кўриш-
ди, индамасдан қандайдир илинж билан унинг
оғзини поилади. Шофёр чолнинг қўлини қўйиб
юбормай туриб сўради:
— Ота, ветврач Турсунбой ақанинг уйи
қаерда? Жуда керак бўлиб қолди.
Чолнинг гапирришга мадори қолмаганди,
қўли билан юқори маҳаллага ишора қилди.
Машина ўтиб кетгач, ота титроқ бармоқлари
билан човғум дастасидан охишта тутди, ўнг
қўлига таяниб, ўрнидан аранг турди, бошини
қўйи эгнганча, ариқ томонга жўнаган ҳам эди-
ки, ортида машина тўхтади. Аранг ўгирилган
отанинг ажинлар қуршоғидаги кўзлари пор-
лаб кетди. Машинадан тушган йигит ўғлига,
сумка кўтарган аёл келинига ўхшарди. Болал-
лар ҳам неваралари шекилли...

— Дадам, дадажоним!
Тўнғич невараси Лола чопганча келиб, бо-
босининг буйиндан кўчди, юзларидан чўп-чўп
ўпди.
— Эй, Худо, борингга шукр, кўрсатганингга
шукр, — шивирлади ота ташналикдан қақшаб
кетган лаблари билан. Қария қоқсуяқ, баралла
қалтираётган бармоқлари билан неварасининг
сочларини силаркан, серажин юз-кўзларидаги
чангда из қолдириб томчилар думаларди. Бу

Бетақор мусаввир, Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров ижоди Ўзбекистон тасвирий санъатида алоҳида бир даврни ташкил этади. Бу улуг мусаввир том маънода ўзбек тасвирий санъатида шарқона тафаккурни, шарқ миниатюра мактаби ҳавосини олиб кирди. Ч.Аҳмаров соф миллий руҳга йўғрилган асарлари билан бадий маънавиятимиз хазинасига улкан ҳисса қўшди.

Бугунги кунда шогирдлари Чингиз Аҳмаров мактаби аъёнлари муносиб давом эттириб келмоқда. Устоз санъаткорнинг шогирдларидан бири, Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков у ҳақда шундай деди:


Сўйнолар

— Бу улуг инсон ва улкан мусаввир билан ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида танишганмиз. Чингиз ака ўшанда Шарқшунослик институти деворларига сурат ишлаётган эди. Биз — бир қанча шогирдлари улarga ёрдам берганмиз. Ишларимни кузатиб туриб “Чизгиларинг ёмон эмас, менга кўрсатиб тур”, дедилар. Устознинг бу гапидан хурсанд бўлиб кетдим. Хозирда Санъат музейи экспозициясида бўлган “Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг болалик чоғлари” суратини ўша йиллари устознинг маслаҳати билан чизганман. Бундан ташқари “Менинг дўстим”, “Куй”, “Тут пишганда” каби ишларимнинг дунёга келиши ҳам бевосита Чингиз ака билан боғлиқ. Чингиз ака ҳеч қачон қўлимдан қаламни олиб чизиб кўрсатмасди, баъзиларга ўхшаб дакки ҳам бермасди, фақат яхшилаб кузатиб, маслаҳат беради. “Тафаккурли инсон” асаримни кўриб “Ана энди профессионал рассом бўлибсан”, деганди.

тади. Чингиз ака Навоий ҳаёти ва ижодини жуда яхши биларди. Мумтоз шеърятимиздан яхши хабардор эди. Араб алифбосида худди таттолардек гўзал ёзарди. Бу устознинг асарларида ҳам кўриниб туради. Энг муҳими, Алишер Навоий асарларидан сурат-боп жойларни топиб ишларди. Айниқса, одамларнинг қиёфаларини жуда гўзал, нафосатли, мафтункор қилиб чизарди. Устознинг ўзи бир кун бу ҳақда шундай деб қолди: “Кўплар мени гўзал аёллар рассоми деб ўйлайди. Мен аслида мана бундай рассомман”, деб бир суратни кўрсатди. Унда кўкрагига қамон ўқи қадалган бир аскар қояга суяниб турибди. Тўғриси, ўшанда нега бу суратни кўрсатганларини тушунмаган

ПИКАССОДАН ЗҮР ЭДИ

штрихларини кўрганмиз. Ишонсангиз, булар Пикассоникидан ҳам зўр. Чизишдан ташқари, устоз кўп нарсаларни ёзиб беради. Бир кун шундай деб қолди: “Жавлон, қариб қолдим. Кўп кўлёмаларим бор. Рафаэлга (Рафаэл Токтош) бериб кетяпман. Хабар олиб тур”. Афсуски, бу кўлёмалар нашр юзини кўрмади. Кейин улар таниқли санъатшунос Абдулхай Умаров кўлига ўтди. У киши ҳам чоп этишга улгурмади. Анча кейин Баҳодир Асаев деган монументалчи рассом ўз ҳисобидан 30-40 нуска чикарди.



«Мева кўтарган қиз» асари.

Устоз билан устахоналаримиз ёнма-ён эди, кўп объекларда бирга ишлаганмиз. У киши билан бирга ишлаш менга жуда катта мактаб бўлди. Қалам тортиш, ранг танлаш, умуман, мавзу танлашдан тортиб уни матода акс эттира бириш техникасигача — ҳаммаси устознинг маҳорат мактаби самарасидир. Ишлаш услублари ҳам айрича эди. Бир мавзунинг яқунлаб, хурсанд бўлиб дам оларди, лекин эртасига ўшани бошқатдан чизарди. Шундай пайтларда баъзан “ўзи яхши эди-ку”, деб хафа бўлиб қолардим. Лекин, гапнинг очиги, иккинчи ишлаганлари аввалгисидан яхши чикарди.

Хар қандай шaroитда ҳам Чингиз ака танлаган ижод йўлидан қайтмаган. Шу ўринда бир воқеани айтиб бермоқчиман. Устознинг Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри биноси залларида ишлаган гўзал суратларини ҳамма яхши билади. Суратларни кўрган бир-икки галамис “феодал давр санъатини тикляпти, зарарли санъат бу”, деб иғво хати ёзган. Комиссия келиб суратларни кўрган. Ўшанда академик Шүсев “Буларнинг бари гениал асарлар-ку”, дея хайратланган экан. Тўсиқларга қарамай, бу ишлар кейинчалик давлат мукофоти билан тақдирланган.

Чингиз Аҳмаров Тошкент метрополисида рассом Аҳмаджон Шоймуродов билан бирга ишлаган. Дастлаб улarga ҳозирги “Мустақиллик майдони” бекатини безаш топширилган. Кейин фикрлари ўзгарган. Ўшанда Чингиз ака жуда хомуш бўлиб қолди. Лекин Алишер Навоий номидаги метро бекатига навбат келганда устоз бутунлай бошқа одамга айланди. Кўзларидан ўт чакнаб ишга берилиб кетди. Умуман, мусаввир ижодида Навоий мавзунинг алоҳида ўрин ту-

дим. Кейинчалик ўйлаб кўрсам, Чингиз ака юрагига қадалган дардини яшириб, фақат гўзаллиқни куйлашга интиланган. Ҳақиқатан ҳам, устоз том маънода гўзаллик куйиши эди.

Чингиз Аҳмаровнинг юксак фазилатларидан бири у ўзи яшаб ижод қилган ватани — Ўзбекистонни юракдан севарди. Қозон шаҳридаги Татаристон санъат музейида ўтган Чингиз аканинг кўргазмасида бирга қатнашгандим. Ўшанда юқори даражада қабул ташкил қилиниб, устоз ҳақида жуда яхши, самимий фикрлар айтилди. У кишини Татаристонда яшаб ижод қилишга тақлиф этишди. Чингиз ака хурмат-эҳтиром учун миннатдорлик билдириб, бу ерда қололмаслигини, Ўзбекистонни яхши кўришини, ундан ажралолмаслигини айтди. Дараҳқиқат, Чингиз ака буюк ўзбек рассомидир.

Устоз мусаввир нафақат бебаҳо мусаввир, балки ниҳоятда оддий, самими, содда, меҳмондўст инсон эди. Ўзларининг эшиги ҳамма учун очик эди, ҳеч қачон ёпилмасди. Ажойиб-гаройиб ёзувларини эшикларига осиб қўярди: “Уйдаман, кўпроқ тақиллянт, яхши эшитмайман”, “Икки кунга Самарқандга кетдим, қалит фалон нарсанинг остида”. Кўриб қолсам, бундай ёзувларни эшикдан олиб қўярдим.

Бугун Камолитдин Бехзод мемориал бoг-музейида Чингиз Аҳмаров хотирасига бағишланган “Чингиз Аҳмаров ва унинг шогирдлари” деб номланган кўргазма очилди. Унда устоз ва шогирдларнинг энг сара асарлари намойиш этилади.

Гулчеҳра УМАРОВА
ёзиб олди

ХАЛҚ ИЖОДИ ДУРДОНАЛАРИ

Ўзбек халқ оғзаки ижодини лапар ва ўланлар сиз тасаввур қилиш қийин. Замонлар оша қадимий ижро йўналишлари миллий қадриятларимизнинг ноёб намунаси сифатида ҳам қимматлидир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, истиқлол шарофати билан халқ санъатининг бу ноёб тури қайта тикланди. Айниқса, сўнгги йилларда лапар ва ўлан ижрочилиги санъатини асраб-авайлаш, уни кенг жамоатчиликка тарғиб этиш мақсадига турли танлов ва анжуманлар ўтказиш аниқанага айланди. Дойтахтимидаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган лапар ва ўлан ижрочилигининг аъёнанинг республика кўрик-фестивали ҳам шундай тадбирлардан биридир.

Кўрик-фестивалнинг якуний босқичида Қоракалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда голиб деб топилган “Анор”, “Кабутар”, “Ер-ёр”, “Афшона”, “Навбахор таронаси”, “Моҳиситора”, “Ешлик” каби халқ ансамблларининг олти мишдан зиёд қатнашчилари ижодий беллашувга киришди. Уларнинг чиқишларини кузатиб борган томошабинлар юртимизнинг турли гўшаларида шакланган урф-одатлар, қадриятлар жозибасидан баҳраманд бўлдилар.

— Фолклор санъатининг энг қадимий шакллари билан бири бўлган лапар ва ўлан ижрочилиги халқимиз ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ, — дейди таниқли шоира, ҳайъат аъзоси Умида Абдуазимова. — Бугун қуйланаётган лапар ва ўланлар самимийлиги, юракка яқинлиги билан санъат илҳомдорларини мафтун этди. Қолаверса, уларида тинч-тотув, ооз ва обод Ватанимиздан фалранош ҳисси мужассам. Номоддий маданий меросни асраб-авайлашга қаратилган ушбу фестивал тажрибали санъаткорларга ўз маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказиш имкониятини берган бўлса, ёш ижрочиларга истеъодларини рўёбга чиқариш учун за-

мин хозирлади. Бухоро вилояти Пешку туман “Афшона” халқ фолклор-этнографик ансамбли бадий раҳбари Мадийёр Ботиров қатнашчилар орасидаги энг тажрибали ижрочилардан бири. У раҳбарлик қилаётган ансамбл 2009 йили Қашқадарёда ўтказилган ўланчилик-лапарчилик халқор фестивалида совринли ўринлардан бирини кўлга киритган бўлса, 2010 йили Хива шаҳрида ўтказилган “Асрлар садоси” фестивалида ҳам лауреатлар қаторидан ўрин олган.

— Фестивалда ансамблимиз аъзоси Шахло Мирзаева билан биргаликда “Ер бўлинг” ўланини ижро этдик, — дейди Мадийёр ака. — Ўланлару лапарлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, бобою бу-виларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган ноёб дурдонадир. Асрларга тенгдош бу бебаҳо жаҳоирнинг асраб қолиш учун халқ санъатининг барча тарғиботчилари жонбозлик кўрсатишлари керак. Ўшларнинг халқ оғзаки ижодига бўлган қизиқишларини оширишда бундай фестивалларнинг аҳамияти катта. Бугунги фестивалдаги бир жиҳат мени айниқса қувонтирди. Иштирокчиларнинг аксарияти ёшлар, қолаверса, улари қадимий лапар ва ўланларимизга қайта сайқал бериб, янгича жилолар, замонавий оҳанглар журлигида ижро этишяпти.

Фестивалнинг фаол иштирокчилари турли номинациялар бўйича тақдирланишди. Жумладан, “Ўлан жанрининг ўзига хос таълиқи учун” Сайёра Тўраева (Жиззах вилояти), “Худудга хос аъёнанинг ижро учун” Шахло Мирзаева ва Мадийёр Ботиров (Бухоро вилояти), “Лапар ижрочилигини ривожлантиришдаги хизмати учун” Садоқат Ламозова (Қашқадарё вилояти) махсус соврин билан тақдирланишди. Лапар ижрочилигида Зевар Машарипова ва Наргиза Расулова (Хоразм вилояти), ўлан ижрочилигида Турдали Пардаев ва Қулмихан Дусенов (Тошкент вилояти) биринчи ўринга лойиқ деб топилдилар.

Шохруҳ АБДУРАСУЛОВ

БИЗНИНГ МЕРОС

Ўзбекистон Бадий академиясида “Бизнинг мерос. 70-йиллар Ўзбекистон санъати усталари” номли кўргазма очилди. Унда Бадий кўргазмалар дирекцияси тўплами ҳамда шахсий коллекцияларда сақланаётган бир юз элликдан ортик

Кўргазма запарда

ижод намуналари жамланган. “Бизнинг мерос” туркумидаги асарлар ҳаётдан эрта кетган рассомлар хотирасига бағишланган бўлиб, унда асарлари илк бора намойишга қўйилган муаллифларни ҳам учратиш мумкин.

Экспозициядан жой олган тасви-



МУҚАДДАС ЗАМИН ЖИЛОЛАРИ

Катта ижод оламга ўтган асрнинг етмишинчи йилларида кириб келган фарғоналик истеъодли рассом Муҳаммаджон Жўрабоевнинг номи тасвирий санъат муҳлисига яхши таниш. Яқинда Ўзбекистон Бадий академиясида рангтасвир устозининг “Муқаддас замин” деб номланган кўргазмаси очилди. Машҳур рассом Раҳим Аҳмедов

мактаби издошларидан бўлган М.Жўрабоев манзара, портрет, натюрморт йўналишларида самарали ижод қилди. У мевали натюрмортлар тасвирида юртимиз табияти, унинг гўзал жилоларини акс эттиришга ҳаракат қилган. Айниқса, уларидаги ранглар жўшқинлиги томошабин эътиборини жалб этади.

М.Жўрабоев яратган портретларда туйғулар самимий, композициялар гоятда пухта. “Шафқоф тонг. Дастурхон тузатаётган янги келин” манзарасида асосий эътибор қувон-

ри санъат намуналарини кўздан кечирар экансиз, уларида миллий ва умуминсоний қадриятлар таъсирини сезиш мумкин. Рассомлар табият ва инсон ўртасидаги боғлиқликни шартли образлар мисолида очиб беришга интилишган. Шунингдек ижтимоий ҳаёт, урбанизация, экология сингари мавзулар уларнинг эътиборидан четда қолмаган. Кўргазмага ташриф буюрган муҳлислар Шўхрат Абдурашидов, Абдуманнон Юнусов, Тоҳир Миржалилов, Ориф Мўинов, Ҳайдар Санаев, Мухтор Аблоқулов, Эргаш Қўрқоров, Барно Шодиева, Саидир Тўрсунов каби рассом ва ҳайкалтарошларнинг асарлари билан танишиш имконига эга бўлишди.

Ҳ.АБДУРАҲМОНОВА

С.ТОЛИБЖОНОВА


ДА ВИНЧНИНГ ЯНГИ КАРТИНАСИ

Уйғониш даврининг етук ижодкори Леонардо да Винчи қаламига мансуб янги картина мавжудлиги аниқ бўлди. Хоризг нашлашларининг хабар беришича, санъат оламида ушбу



КОЛИЗЕЙ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Рим шаҳрининг рамзига айланган Колизей амфитеатри жаҳон архитектура-сининг энг ноёб намуналаридан бири. Ҳар йили ўз бағрида миллионлаб сайёҳларни жамловчи қадимий ёдгорлик



асар ҳақида ҳеч қандай маълумот бўлмаган. Ҳатто да Винчининг шахсий кундалигида ҳам бу картина ҳақида қайдлар учрамайдди. Эътиборли жиҳати, асар Л. Да Винчи яшаб ижод этган Италияда эмас, балки Шотландияда жойлашган қишлоқларнинг бирида топилган. Ноёб санъат намунаси бу ерга қай тарзда келиб қолгани ҳозирча аниқлангани йўқ. Тахминларга қараганда картина XIX асрда Наполеон урушлари даврида Британия оролларига келтирилган. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, асар Да Винчи устахонасида ижод қилган рассомларнинг бири-

ЕТТИ РАНГ

янги киёфада намоён бўлиши мумкин. Колизейни қайта таъмирлаш масаласи бир неча йилдан буён катта баҳсларга сабаб бўлаётган эди. Айниқса, ўтган йили йилнинг бир неча устунлари кулаши оммавий ахборот воситаларида катта шов-шув кўтарилишига сабаб бўлди. Натигада айрим мутахассислар Колизей бутунлай вайрон бўлиши мумкинлигини башорат қила бошлашди.

Антик санъат дурдонасига зарар етишидан ҳавфсиз рағман Рим шаҳри ҳокимлиги узоқ тортишувлардан сўнг ниҳоят таъмирлаш ишларини бошлашга аҳд қилди. Ушбу лойиҳа учун маблағни пойабзал ишлаб чиқарувчи “Diego della Valle” компанияси ажратилганга рози бўлди. Келишув шартларига кўра корхона ўз махсулотларини ўн беш йил давомида Колизей ёдгорлигида бепул реклама қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

КИНО ЭКРАНЛАРИ ИНТЕРНЕТГА КЎЧМОҚДА

“Twitter” бугунги кунда интернет тармоғида фаолият юритувчи энг оммалашган электрон хизмат кўрсатиш тизимларидан бири. Эндилкида ушбу тизим фойдаланувчилари машҳур сериаллар тақдимотида иштирок этиб, улариға баҳо бериш имконига эга бўлишди.

“Twitter” мутасаддилари бу борада



Голливуд ижодкорлари билан музокараларни аллақачон бошлаб йўрган. Ҳозирча “Twitter” электрон саҳифаси орқали узатиладиган сериаллар рўйхати маълум қилинган йўқ. Бироқ шунинг аниқлиги, уларнинг асосий қисми жаҳон кино экранларида катта шов-шувга сабаб бўлган бадий фильмлардан иборат бўлади. Бундан ташқари, “Twitter” орқали анимацион фильмлар намойиш қилиш режаси ҳам ишлаб чиқилган.

“Twitter” тизимидаги илк сериал тақдимоти шу йилнинг куз ойларидан бўлиб ўтади.

ШЕКСПИРНИНГ ИЛК ФИЛОЛАСИ

Оксфорднинг Бодлиан кутубхонаси буюк инглиз драматурги Вилям Шекспир қаламига мансуб пиесаларининг янги тўпламини тай-

ёрлаётганини расман эълон қилди. Тўғри, Шекспир ижодининг муҳлисари учун бу оддий аниқлик бўлиб қўринар. Чунки машҳур драматургнинг асарлари дунёнинг турли мамлакатларида мунтазам нашр этиб борилади. Бироқ Бодлиан кутубхонаси олимлари ишлаётган тўплам оддий нашрлардан фарқ қилади. Жамлама рақамли шаклда бўлиб, интернет тармоғида фойдаланиш учун мослаштирилган.

Ушбу лойиҳанинг бадий қимматини оширувчи асосий жиҳат шундаки, янги тўплам 1623 йили “Илк фиола” номи билан нашр этилган Шекспир пиесалари тўпламининг кўчирма нусхаси ҳисобланади. Оксфорд олимларининг таъкидлашича, янги жамлама аслиятдан деярли фарқ қилмайди.



Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Севимли ҳафталик газетамиз томонидан шу мавзуда баҳс очилгани айни мудоа бўлди, деб ўйлайман. Негаки, муаллифларимиз газетхонлар кўнглида анчадан буён йиғилиб келган масалани ўртага ташлашган. Халқимизнинг кўп асрлик қадриятларида атрофдаги одамлар билан қандай саломлашиш, кўришни одоб алакачон меъёрга тушган қондаларга бўйсунди. Хусусан, саломлашиш, аввало, муомалага киришадиган одамнинг дўстона муносабатини белгисин.

Аммо икки тарафнинг кўришиш даражаси ҳаёт тажрибасида уларнинг ўта яқинлиги белгиси сифатида баҳоланмайди. Кўл сиккишининг куюклиги билан кўришадиган биродарлар ўртасидаги муносабат яқинлигини аниқлаш қийин. Аслини олганда, одамлар ўртасида айлашаётган билдириладиган ниётларнинг самимиётлари белгиланган. Шунинг учун ҳам ота-оналаримиз ҳамма қариндош-уруғ, яқин кишиларимиз билан кўришиш қоидаларини эсимизга солиб туришган.

Халқ оғзаки ижодини ўрганишга доир экспедицияларда вилоятларда кўришишнинг ўзига хос маҳаллий удуларига гувоҳ бўлганмиз. Жумладан, Фарғона vodiysida ёши кичик меҳмон ёши катта аёллар кифт туттади. Аёл икки кўли билан йиғитнинг елкасини силаб кифт олади, дуо қилади. Хоразмликларнинг кўришишида "хўш" ёки "яқши" сўзи кўп қўлланади. Тилшунос мутахассисларнинг маълумотларида айтилишича, исломдан олдин туркий халқлар вакиллари кўришишида "ийй" ёки "ийи" сўзини айтишар экан. Бу сўз "яқши" деган маъ-

нони ифодалаган. Аммо афсуски, ҳозир ёшларимиз ўртасида турли қулқ эшитмаган, кўз кўрмаган саломлашиш ҳоллари кўпайиб кетди. Кимдир ўпишиб кўришса, кимдир қорин уриштириб кўришади. Кимдир қучоқлашса, кимдир пешонасини уриштиради. Ҳақиқатан ҳам, Давлат Қўлдошев ёганидек: "Кўришгани қучок очиб келадиган одамнинг кўйлагини, юзи-кўзи тер-

"Шу орада кенжа ботир ичкарига кириб келди. Салом бериб, ҳаммаси билан сўрашиб, тиз букиб ўтирди". "Мохистара" эртагида эса кекса киши "Меҳмон, келин!", деб қўл узатади. "Гунгила" эртагида бундай воқеа тасвирланган: "Ақаси ақса уриб, ўрнидан туриб, кўзини очиб қараса, гирдинда тамоми савлатли одамлар бошининг устига қараб туришибди. Бола:

сига ошқидим. Чойхоначи дўстим Исроилга чой буюрдим. Чойнақдаги чойни қайтариб, атрофимдагиларга тарқата бошладим. Аммо дақиқа ўтмай яқинимда ўтирганлардан бири ниманидир баҳона қилиб мендан нарига ўтиб кетди. Сония ўтмай иккинчи улфат туриб кетди. Кейин учинчиси ҳам мендан узоқлашди. Уларга қўйган чойим ҳам ичилмади. Кўп ўтмай одамлар аста-секин чойхонадан чиқиб кетишди. Хуллас, Исроил билан иккимиз қолдик. Менинг ҳаётимда бундай ҳолат аввал рўй бермагани учун ўзимни жуда нуқул хис қилдим. Гапни айлантириб чойхоначидан дўстларнинг нега мендан зудлик билан узоқлашгани сабабини сўраштирадим:

— Мен ҳақимда маҳаллада бирон ноқўй гап бўлдимми?
— Э, ака, — деди Исроил, — нималар қилиб юрибсиз? Яқинингизга бориб бўлмайди. Ҳаммаёқни мушки анбарнинг ҳиди босиб кетди. Кийимларингизга ҳам қўйганмисиз?

Шундан кейин ўзимга бир оз эътибор берсам, ҳақиқатан ҳам кўлимдан тортиб кийимимга ҳид бўлиб ётибди. Одам ўздан ҳид таратиб алоҳида диққат қилмас, у қадар сезмас экан. Шошилиб чой қўйган пиёламни кўтариб ўзимга яқинлаштирдим. Энди аниқ сездим, пиёладаги чойни ичиш эмас, қўлга олиб бўлмайпти. Синфдош дўстим билан қуюқ қўришганим эсимга тушди кўнглим лоҳас бўла бошлади. Дўстимнинг ўзи қандай чидаётган экан бу ўткир ҳидга, деб ҳаёл сурдим. Юз-қўлларимни яхшилаб ювиб уйга келган, кийимимни алмаштирдим. Шундан бери маҳалламдагилар: "Синфдошингни кўриб турибсанми?", деб ҳазил қилишади. Мен шу заҳоти: "Чой қўйиб берайми?", деб сўраб қўяман.

Хуллас, "кўришишини ҳам одоби бор", деган гапда ҳикмат кўп!

Омонилла МАДАЕВ

"Кўришишнинг ҳам одоби бор"

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 2012 йил 3 август, № 31

дан жиққа хўл бўлиб, ё ўткир атир ёхуд ичган ароғу ачимсиқ тер ҳиди анқиб кўнглингизни беҳузур қилса, қандай аҳволга тушасиз?" Муассар Раҳимжонов ва қайд этганидек: "Ахир, бунақа пайтда одам кўришиш тугул бир-бирига яқин боришга ҳам истиҳола қилмайдими?" Шахсан менда Донийёр Миразимов тилга олган маълумотлар янгилик бўлди. Шифокор айтганидек, яқши ниятли кўришиш хасталикни юқтириш жойига айланмаслиги керак-да.

Ўйлайманки, кўришиш маданияти одамларнинг умумий маданий савиясини кўтаради. Оталаримиз бизга: "Авалло ичма, мабодо йиғитлар билан улфатчилик қилиб қолсанг, уйга кечроқ келгин", деб беҳиз айтишмаган. Улар ўз фарзандларининг кундуз кун маҳалладагилар олдида атрофга қуланса хид таратиб, оёқни бесўнақай ташлаб келишини хоҳламаганлар. Унда нима учун биз бугунги ўз жигарбандларимизга тўғри маслаҳат бермаямиз?

Халқимиз яратган оғзаки ижод намуналари, хусусан, эртақларда ҳам "кўришиш одоби" аниқ тасвирланган лавҳалар кўп. "Уч оға-ини ботирлар"да ўқиймиз:

"Ассалому алайкум!" деб, тўрт томонга таъзим қилиб, бир томонга ўтирди. Ақобирлардан бири "Ваалейкум ассалом, — деб алик олиб: — Эй йигит, сиз қайси жойнинг фарзанди бўласиз, — деди". "Шамширбоз" эртагида бундай ёзилади: "Ассалому алайкум, бир кам қирқ чилтон. Ўғри бўлсангиз — ўғриман, тўғри бўлсангиз — тўғриман", деб кўришиб чиқди-да, бир чеккага ўтирди". Шунингдек, "Рустам-зоод ва Шерзоод" эртагида: "Замбил ичидан овоз чиқди: "Ассалому алайкум, эй аҳли жомаола!", дейилган...

Маълум бўлганки, кўришишнинг энг мақбул кўришиши содда, самимий, аниқ салом бериш экан. Шу ўринда бир воқеани айтиб ўтмоқчиман. Яқинда мактабдаги синфдошимни учратиш қолдик. Беҳиштиёр қучок очиб бир-биримизни бағримизга олдик. Ундан сўнг қўл ушлашиб кўришидик. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Қисқа фурсатда фарзандларимиз, набираларимиз, абираларимиз ҳақида ахборот алмашдик. Ундан хушбўй мушки анбар анқиб турарди. Кўп ўтмай бу хушбўй хид менга ортиқча таъсир қила бошлади. Сўхбатни тезда якунладим-да, чойхонадаги маҳалладошлар давра-

узайганини қандай изоҳлайсиз? — деб сўрайман лойиха-харитадан кўз узмай.

— Ҳоҳ темир йўл, ҳоҳ автомобил йўли бўлсин, агар ундаги бурилишлар кўп ва кескинроқ бўлса, ўз-ўзидан равшанки, транспорт воситаси тезлигини камайтиришга мажбур бўлади, — дейди Маҳаммад Окбобевич. — Шунинг учун йўлнинг бундай жойларини бутунлай янгидан қуришга тўғри келади. Қаердаки бурилиш радиуси минг метрдан камроқ бўлса, ўша жойларни янгидан қуриб, темир йўл ётқишиш учун лойиха тайёрлаб берилди

Айни кунларда эса, Фаллаоролдан 19-бекатгача бўлган оралиқда ҳам энг юқори тезликда ҳавфсиз ҳаракатланиш имконини берадиган темир йўли электрлаштирилган янги темир йўл қурилмоқда. Жиззах шаҳрида янги темир йўл вокзали қуриб фойдаланишга топширилди. 3505-километрдаги блок-постда, 3-разъезд ҳамда Даштотоб ва Зарбдор станцияларида янги марказлашган электр таъминоти иншоотлари, сигнализация қурилмалари, контакт тармоқлари барпо этилди.

Поездлар қабул қилинадиган ва жўнатиладиган ҳамда станция йўлларининг юқори тезликдаги ҳаракат ташкил этиладиган бош йўлга қўшилиш жойларини камайтириш мақсадида ҳам муайян лойиха чизмалари тайёрланиб амалга оширилган, кўп жойларда янги диюкерлар, сув ўтказиш қувурлари, пиёдалар учун кўприк ва йиғирмадан ортиқ турли кўприклар қурилган ва таъмирдан чиқарилган ҳам мазкур кенг қўламдаги бунёдкорлик ишининг асосий манзараларини ташкил этади.

— Юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатновини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган лойиха-қурилиш ишлари муносабати билан пойтахт ва Самарқанд шохбекатлари ўртасидаги темир йўл масофаси 19 километрга қисқаради ва "Афросиёб" поездининг Самарқандга етиб бориши учун 2 соат вақтнинг ўзи кифоя, — дейди "Боштемирйўллойиха" институти директори Рустам Восикович Рўзиев. — Темир йўлимизнинг "Мароқанд — Қарши" қисмини электрлаштириш ва бурилиш радиусларини узайтириш бўйича бошлаб юборилган лойиха-қурилиш ишлари ниҳоясига етгач эса, бу трассада поездлар соатига 160 километр тезликда ҳаракатланади, тезкорар поездлар бир соатнинг ўзиде Самарқанддан Қаршига етиб борадиган бўлади.

Бу фақат вақтдан ютиш деганигина эмас. Лойихани амалга ошириш поездлардан фойдаланиш харажатларини 20 фоизга камайтириш, йилга 16 минг тонна дизел ёнилғисини тежаш имконини ҳам беради. Темир йўлнинг поездларни ўтказиш қуввати 35 фоизга ошиб, йўловчиларни манзилга етказиш вақти 40 дақиқадан қисқаради. Мана бунини чинакам тараққиёт деса бўлади.

Вақтдан олдинга кетиб, бу борадаги келажак режаларига кўз ташлайдиган бўлсак, "Мароқанд — Қарши" тармоғи электрлаштирилганидан сўнг мазкур йўлнинг Термизгача бўлган қисмига ҳам навбат етади. Ана шунда пойтахт билан жанубий сарҳадларимиз ораси янада яқин бўлади. Қудратли электровозлар юксак Ҳисор тоғларининг денгиз сатҳидан салкам икки минг метр баянд доволари оша неча ўнлаб йўловчи ва юк вагонларини қушдай енгил ва тез олиб ўтадиган бўлади. Умуман айтганда эса, мустақиллик босиб эришилган чинакам миллий тараққиётнинг бу йўналишда самаралари ана шу янгиликларнинг ўзи билангина кифояланиб қолмайди. Истиқболда юқори тезликда ҳаракатланадиган учқур поездларнинг сайёҳлару юртимиз меҳмонларини бағрига олганча қадим Бухорою кўна Хоразм, Оролбўйи сари муттақил қатнаши оддий воқеалардан бирига айланиши шубҳасиз. Аллоҳ насиб этса, шундай кунлар ҳам яқинки, юртимиздаги вожаю водийларнинг барчасига учқур поездлар туну кун бемалол қатнайдиган бўлади.



Мурод АБДУЛЛАЕВ

Йўлларда елдириш мисоли елдим...

қилиб қўймаслик, зарур иш миқёсини пишиқ-пўхта белгилаб бериш учун тунни тонгга улаб ижод қилишга тўғри келади. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатнинг ягона темир йўл тизимини яратиш борасидаги Навоий-Учкудук-Султон Увайстог-Нукус, кейинчалик Тошгузар-Бойсун-Қумкўрган темир йўлларининг лойиҳалари ҳам "Боштемирйўллойиха" институти жамоасининг юксак техник тафаккури ва самарали ижодий меҳнати билан юзага келган. Институт бош мутахассиси Маҳаммад Ғўзабоев билан суҳбатимиз Тошкентдан Термизгача чўзилган темир йўлларимиз харитаси ёнида кенди.

— Тошкент — Самарқанд темир йўл тармоғида юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поездлар қатновини ташкил этиш юзасида тайёрлаган лойиҳаларимиз асосида Янгиердан Жиззахгача бўлган масофада янги темир йўл трассаси қуриб битказилди, — дейди у. — Бундан ташқари, асосий эътибор юқори тезликда ҳаракатланадиган поездларнинг ишончли ва ҳавфсиз қатновини таъминлашга қаратилди. Шу мақсадда мазкур трассада илгаридан мавжуд йўлларнинг бурилиш радиуслари узайтирилди. Бекатлар ва улар оралиғидаги электр таъминот тармоқлари реконструкция қилиниб, замонавий бошқарув ускуналари, контакт қурилмалари ва сигнализация воситалари ўрнатилди.

— "Бурилиш радиуслари"

ва шу асосда иш бажарилди. Тўғриси айтиш керак, мазкур трассада бундай жойлар оз эмасди. Уларнинг ҳаммасини ростладик. Яъни соатига 180 километр тезликда ҳаракатланиш кўзда тутилган Тошкентдан Янгиергача бўлган масофада йиғирмадан ортиқ бурумларнинг радиуси 1250 метргача узайтирилиб, 22 та темир йўл станцияси реконструкция қилинди.

Суҳбатимиз институтининг иншоотлари лойиҳалаш бўлими бошлиғи Г. Цой хонасидаги турли иш чизмалари устида давом этди.

— Муҳандис ва меъморларимиз тайёрлаган лойиҳалар асосида Янгиердан Жиззахгача бўлган оралиқда учқур "Talgo" поездларининг соатига 250 километр тезликда ҳаракатланишини таъминлайдиган 97,2 километрни (бир ва икки йўлли) электрлаштирилган янги темир йўл трассаси бунёд этилди, — дейди суҳбатдошим. —



МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАБҲУТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЈОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилдими: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилдими: uzas@b2c.uz
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Савват бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Тахриратга келган кўчмаълар таҳрир этилмайди ва муаллифларга қайтариб берилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқлашиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВЕВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Тўрол кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.18

Дунё — кенг...

МЎЪЖИЗАКОР ҚУРИЛМА

Инсон тафаккурининг қўлами кенг бўлса, у фикрлашдан, изланишдан тўхтамас, нималарни ўйлаб топмайди, дейсиз? Самаралик электроника муҳандиси А.Степашкин бир пайтлар политехника институтида таълим олган, Камскдаги автозаводда цех бошлиғи бўлиб ишлаган. Шунга қарамай, ихтирочиликка иштиёқ унинг фикру зикрини завт этган.

У йигирма йилча аввал чекувчиларни бу зарарли одатдан қайтардиган асбоб ихтиро қилган эди. А.Степашкин бу янгиликни дастлаб ўзида синаб кўрди. Ҳар кун 4 қутти сигаритани бурқситиб чекадиган Александр ўзи ихтиро қилган мўъжизавий қурилма кўмағида икки кундаёқ чекишни ташлади. Қурилманинг доврўғини эшитган таниш-билишлари бизга ҳам ясаб бер, дея уни ҳол-жонига қўйишмайди.

Бироқ ихтирочилик билан астойдил шуғулланишга у фақат нафақага чиққач имкон топди. А.Степашкин машинада узоқ йўл юрганда роса чарчар, айниқса, оёқлари қотиб қолгандай бўларди ва у ўзича: соғлом бўлсам, ҳали қартайиб қолмаганман, нега машинани узоқ бошқарганимда силлам қуриб қолади, деб таажубланиларди. Ернинг геопатоген зоналари ҳақидаги мақолани ўқигач у бундай ҳолатнинг сабабини англагандай бўлди. Маълум бўлишича, Ернинг биологик ёриқларидан (тахминан ҳар 2,5 метрда шундай ёриқлар мавжуд) катта куч билан тарқаладиган энергия уюрмалари машина юқори тезликда юрганда ҳайдовчининг оёғига муттасил таъсир кўрсатиб, унинг энергетика майдонини парчаллаб ҳолдан тойдирар экан. "Салбий энергия одатдагидан кучли бўлган ҳавфли жойларда эса, одам бошқарувни буткул унутиб, ухлаб қолиши мумкин, — дейди А.Степашкин. — Мен ҳайдовчиларни авариялардан қутқарадиган ишончли биоҳимоя қурилмасини яратиш устида бош қотирдим ва бир кун... тушимда унинг тузилмаси аён бўлди".

Мазкур химоя қурилмаси полиэтилен қопланган оддий экранусха гиламчага ўхшайди. Унинг ичига эса ҳар бири 100 микрон қалинликдаги турли геометрик шаклдаги ҳар хил металл қотишмасидан иборат бир неча пластина жойлаштирилган. Улар бир-бирига шундай усулда ёпиштирилганки, натижада муайян майдондаги геопатоген зонадан чиқётган энергиянинг таъсир кучи кесилади.

Қизиги шундаки, ихтиро муаллифи машинаси ўриндигига ўша қурилмани тўшаб ўтирган ҳолда машинани 10-15 соатлаб бошқаради. Салбий энергия оқимларини жиловлайдиган мўъжизавий қурилма нафақат йўлда ҳайдовчининг уйқу босишдан асрайди, айни чоғда, очлик ва чанқоқни ҳам сездирайди. Бу қурилма имкониятларига доир тадқиқотини давом эттирган А.Степашкин унинг таомларга ҳам ижобий таъсир кўрсатишини аниқлади.

— Аждодларимиз истеъмол қилиб келган барча аънанавий таомлар ижобий зарядга эга, — дейди муаллиф. — Янги турдаги маҳсулотлар, масалан, ирсий жихатдан модификацияланган соя, картошка, газланган ичимликлар, тез тайёрланадиган угра, айрим шоколадлар, чипси ва бошқа таомларда салбий зарядлар жуда кўп.

Унинг фикрича, ҳар қандай таомни ижобий зарядли энергия қайта программалаштириш мумкин экан. Бир неча нафар самаралик шу мақсадда ўтказилган экспериментларда қатнашди. Ҳаммага маълум ярим литрли газланган ичимлик олиниб, тадқиқот учун уни ичиб кўрувчи икки йиғитнинг аъзолари ҳолати олдиндан ва сув ичгандан кейин текширилди. Йиғитлардан бири тўғридан-тўғри дўқондан олинган газланган сувни, иккинчи йиғит эса В.Степашкин қурилмаси ёрдамида ўша сувнинг энергия зарядлари қайта программалаштирилганидан ичди. Эксперимент ичимликни тўғридан-тўғри олиб ичган йиғитнинг жиғар, бўйрак, талақ ва қалқонсимон бези ҳолати ёмонлашгани, қуввати суस्ताшганини кўрсатди.

В.Степашкиннинг айтишича, зарарли деб топилган ҳар қандай ичимлик ёки таомни яроқли ҳолга келтириш учун қурилма экранда 15 сониядан бир дақиқадан тўтиб туриш кифоя. Зарари энг кўп ичимлик ёки таомни эса, 15 дақиқадан "даволаш"га тўғри келади. Бир неча йил аввал шифокорлар ихтирочига ўпка саратони ташхисини қўйишган эди. Ўшанда у геопатоген зоналарга қарши "биопањара" яратиш бўйича ўзининг илк тадқиқотларини эслаб, мўътадил саломатлик ва узоқ умр кўришни уйғунлаштирадиган қурилма тайёрлади. Тўрт йил мобайнида шу қурилма ёрдамида ўзини даволади. Шундан сўнг олинган рентген суратларида, гўё унинг ўпкаси бу хасталикка чалинмагандек, топ-тоза чиқди.

Унинг айтишича, ҳар бир киши шундай қурилма ёрдамида организм қувватини ошириши мумкин экан. Бунинг учун қурилмани ҳамма жойда олиб юриш лозим. Шунда организм ҳолати, биомайдон ва ирсийат механизми мувофиқлигига қараб, биомайдон 5 ёшдан 30 ёшгача қўшилган. Степашкин олтимши саккизга кирганига қарамай ўзини ўттиз ёшдагидек навқирон хис этади.

Ихтирочининг эндиғи ниётлари ҳам соддалиги ва муҳимлиги билан гаройиб таассурот уйғотади. У бундай гармонизаторларни йўллардаги геопатогенли жойларга, мактаб ва олий ўқув юртиларидаги электромагнит майдонларини нейтраллаштиришга аҳтиёж бўлган нуқталарга қўйишни тавсия этаётир. Мабодо бийонейтраллашторлар водопровод суви ҳавзаларига ўрнатилса, шаҳар хонадонлари жўмрақларидан ижобий зарядланган сув оқади.

Бу гоғни шундай энергетик қурилмалар лойиҳаси муаллифи, физика-математика фанлари номзоди В.Аванесян қўйидагича шарҳлайди: — Ҳозир гармонизаторларнинг тури кўп. Айримлар уларга ишонимас-да, мен аминманки, бундай қурилмалар муайян макон ва иншоотларда муҳит сифатини яхшилайдди. Улар икки нарса: эфир тўлқинлари ва сувни мўътадиллаштиради. Шу боис, гармонизаторлар таъсирда маҳсулотлар таркибидеги нитратлар, тамаки ва унга ўхшаш нарсалардаги никотин камайдди.

"АиФ"нинг 28-сонидан.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТЎБДА НАРХИ ЭРКИН

ISSN 2181-614X

9 772181 614000

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4826 Буюртма Г — 844. Ҳажми — 3 босма тираж А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5